


**ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА**

# **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**



**ҮҚУВ-УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН  
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**


**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЖТИМОЙӢ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

**ЗАМИРАХОН ИСАҶОВА**

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ  
ФАНИДАН  
СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ УЧУН**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



**2023**

Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланган “Илмий тадқиқот методологияси” курси бўйича I босқич барча мутахассисликлар магистратураси учун тасдиқланган намунавий ўқув дастури асосида Илмий тадқиқот методологиясидан семинар машғулотлари учун тайёрланган ўқув-услубий қўлланма магистрларнинг истеъдод ва қобилиятларини рӯёбга чиқариш, уларнинг онги, шуури ва тафаккурида танқидий фикрлаш ҳамда ижодий фаолиятни ривожлантириш, танланган маву бўйича манбаларни ўрганиш, пухта ўзлаштириш, илмий далиллар тўплаш, уларни қайта ишлаш, тизимга солиш, ретроспектив қиёсий таҳлил қилиш, инновацион ғояларни ишлаб чиқиш, илмий асарлар яратиш малакаларини ривожлантириш, мақола ёзиш, уларни нашр эттириш, импакт факторли ва скопус журналлари талаблари доирасида мақола тайёрлаш, магистрлик диссертациясини ёзиш каби кўникмаларни эгаллашларида амалий ёрдам беради.

Ўқув-услубий қўлланма магистрлар, ёш педагоглар, эркин тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Исақова З.Р. Илмий тадқиқот методологияси фанидан семинар машғулотлари учун ўқув-услубий қўлланма. Наманган, 2023. – 84 б.

### **Тақризчилар**

**Бахтиёр Тўраев**  
**фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Қодирқул Рўзматзода**  
**фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Жаъфар Холмўминов**  
**фалсафа фанлари доктори, профессор**

Ўқув-услубий қўлланма Наманган давлат университети Кенгашининг 2023 йил 28 майдаги 10-сонли қарори билан тасдиқланиб, нашрга тавсия этилган.

## **Муқаддима ўрнида. Семинар дарсларини қреатив мезон асосида ташкил этишнинг афзаликлари**

Келажак инсонга жуда кўп имкониятларни беради. Ҳамма гап ўша имкониятлардан унумли фойдаланишда. Бугун дунё фикрий тараққиётда бутунлай янгича мезонга чиқди. Илмий тафаккур шиддат билан ўзгаряпти. Кечаги “стремиплар” эртанги кун учун “қолип” бўла олмайди. Енгиллик устига енгиллик, илмизлик, саводсизлик, фикрсизлик, объектив ва субъектив қарама-қаршиликлар илмдаги “илмизлик”ка йўл очди. Шаклпастлик мазмунни бутунлай ўзгача қиёфага солди. Тест тизими билимнинг душманига айланди. Ҳам “тунг”, ҳам “кар”, ҳам “кўр” элитар қатламнинг вужудга келиши, фикр доираси тор, умрида китоб ўқимаган бўлса ҳам, илмий унвону илмий даражаларга давогарлик қиласиган сафсатабозларнинг амал курсисига маҳкам ёпишиб олиши олий таълимни бутунлай “из”дан чиқарди... .

Ҳар бир соҳа каби олий таълимда ҳам “Нима қилиш керак?” деган масала ўртага чиқди. “Нажот илмда” деган эди буюк даҳолардан бири. Бунинг оқилона ечими Яратганга ишонч, илмий мулоҳазаларни шакллантиришга қаратилган билим ва сифатли таълим билан боғлиқ.

Икки тарафлама (устоз-шогирд) фаоллик, тизимли бошқарув, ўқитиш стратегиялари, инновацион ўқитиш усуллари масаланинг фундаментал аспектлариdir. Илм-фан тараққиётининг ҳар қандай ютуғи инсоният мушкулини осон қилишга, муаммоларни қисман бўлса ҳам ҳал этишга хизмат қилиши керак. Бу борада инновациялар ҳар қандай аниқ режа ёки стратегияни шакллантириш учун муҳим омил вазифасини ўтайди.

*“Инсон зоти тафаккур нуқтаи назаридан ўтакетган дангаса”* деган фикр билан тўқнашиб қолган кунимдан бошлаб бу фикрнинг хатолигини ўз фаолиятим мезонида исботлашга уриндим. Мазкур ўқув-услубий қўлланма ҳам ана шу уринишларим ҳосиласидир.

Интеллектуал асрнинг энг катта муамоси тафаккур билан боғлиқлиги ҳайратланарли. Ўқитувчи учун энг катта қийинчилик ёшларнинг эътиборини маърифатга жалб қилиш ва илмга эътиборни кучайтиришнинг янги-янги стреотипларини ўйлаб топишида. Илмий жамият “бир хиллик” гирдобида қолгани учун “давомат” учун дарсга келадиган илмталаблар “ҳар хиллик”ка интилади. Калаванинг уни топилгандек. Илм масканлари том маънодаги илмга интилувчилар билан тўлиб тошиши, ёки яна ҳам содда тил билан айтганда, аудиториялар фикр чанқоқлигини қондириши учун “ҳар хиллик” керак. Қадимги хитой файласуфи Конфуций сўзлари билан изоҳлаганда, айтилганлар тез унутилади, амалда кўрсатилса, онгда муҳрланади. Амалда қўлланса, англаб етилади.

“Семинар” сўзининг келиб чиқиши қадимги Рим билан боғлиқ бўлиб, “кўчатзор” (уруг сепиш, парваришлаш, мевали кўчат ўстириш)

деган маънони билдиради. Семинар машғулоти, маъruzада талабалар онгига сепилган билим уруғларини интерфаол методлар воситасида янада авж олиши, барқ уриши, гуллаб-яшнаши, мева тузиши, ниҳоят, дастурхонга файз киритадиган сархил меваларга айланиши янғлиғ таълим олиш шаклидир.

Семинар дарсларини тафаккурнинг ностандарт усули, яъни креатив мезон асосида ташкил этиш услублари:

**1. Ижодий таълим** фаолликни талаб этади. Ҳар қандай соҳада ижодий фаолият юқори баҳоланади. Ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлган мутахассисларда ҳаётий жўшқинлик, креативлик, билимдонлик, изланувчанлик, топқирлик каби фазилатлар мужассам бўлади. Ижодий таълимнинг аҳамияти илмталабларнинг ижодий қобилиятини қашф этиш билан боғлиқ бўлиб, дарс жараёнида илмталабларга қанчалик кўп “эркинлик” берилса (масалан, таҳлил этилаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, ўз фикрини далиллаш, исботлаш, ҳаётий мисоллар билан исботлаш каби), ижодий фикрлаш кўниmmasи шунча такомиллашади.

Қобилият ҳар бир инсон фитратида мавжуд. Уни шакллантириш, юзага чиқариш, ижодкорликка йўналтириш, зеҳниятни “чархлаш” орқали юқори даражадаги истеъдод ва даҳолик қашф этилади. Семинар машғулотлари айнан магистрларнинг ижодий фаолиятини ёрқин ифода этишга қаратилган. Тафаккурни “фалаж”ликдан халос этиб, онгни “фикр ҳаяжони”га соладиган, илмга рағбатни ошириб, қизиқиши кучайтирадиган мантиқий масалалар, чуқур тафаккур қилишга йўналтирилган ноодатий саволлар, таҳлил учун фикрлар, қашф қилиш эркинлиги акс этган ижодий ғоялар ижодкорликни рағбатлантиришга хизмат қиласи. Ижодий тафаккурни ривожлантиришда оддий тафаккур қолипига сифмайдиган, илоҳий илҳом ва гўзал тасаввур талаб этадиган “эссе” муҳим аҳамиятга эга.

**2. Аудио ва видео воситалари** ақлни “харита”лашнинг такомиллашган воситасидир. Таълим тизимида эшлиши ва кўриш мужассамлашса, илмталабларнинг тасаввур олами ижодийлашиши, хаёлот олами бойиши кузатилади. Тинглаш қобилияти фикрлаш истеъдоди билан кўшилиб, тафаккур оламини янгича қиёфа билан бойитади.

**3. “Жонли” дарслар** назарияни амалиёт билан боғлашнинг оқилона усули бўлиб, мавзуни ҳаётий воқеалар мисолида тушунтириш, ҳаётий вазиятлар билан боғлаш, ҳаётий мисоллар орқали қўрсатишга қаратилган. “Жонли” дарслар илмталабларнинг дарсга бўлган қизиқиши, муносабатини тубдан яхшилайди. “Ҳақиқий дунё” билан тўқнашганда довдираб қолмаслик учун ҳам илмталабларга “жонли” мулоқот муҳимдир.

**4. Ақлий ҳужум** илмталабларнинг ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш ҳамда ижодий фикрлаш санъатини ўзлаштиришларига имкон яратади. Бир муаммога бир неча оригинал ечим топиш малакаси айнан “ақлий ҳужум” орқали амалга ошади. “Атрофингдагиларнинг фикрини хурмат қил”, “қанча фикр кўп бўлса шунча яхши”, “фикрлар

такрорланса ажабланма ва жаҳлингни чиқарма”, “бошқаларнинг фикрини танқид қилма”, “эски фикрлар янги фикрларга доя бўлади”, “фикрларингда шубҳанг бўлса ҳам, айтишга ҳаракат қил” каби турли ва бир-бирига қарама-қарши ҳам зиддиятли фикрлар тўқнашуви энг тўғри фикрни юзага чиқаради. Муаммо шундаки, фикрни ҳар ким ўз “қаричи” билан ўлчайди. Бу усул дарс жараёнига тўғри ва ижобий қўлланилганда магистрларнинг тафаккур сарҳади кенгаяди.

**5. Ностандарт фикрлаш** янги ғояларни кашф этиш, тафаккурнинг анъанавий схемасидан четга чиқиб, ўзига хос, оригинал қарорлар қабул қилиш, интеллектуал қобилиятни ишга солиш малакаси бўлиб, илмий фаолиятдаги муваффақият гарови, бўлажак ютуқлар омилидир. Бундай фикрлаш тарзида таъсирчанлик, идрокнинг кучлилиги ва яхлитлиги, тафаккурнинг ўзига хослиги, хилма хиллиги, ўзгарувчанлиги ва тезкорлиги, мантиқий ва саводли мулоҳаза юритиш, тизимли хатти ҳаракатлар, синтез-таҳлил-синтез, ижодий ифода, фикрларни жамлаш ва хуросалаш, мустақил фикрга эга бўлиш, бошлаган ишни охиригача етказиш, ишчанлик каби креатив фазилатлар намоён бўлади.

Билимларнинг кўпкірралилиги, тасаввурӣ тафаккурнинг чексизлиги, янгиликка муштоқлик, таваккалчилик, қатъийлик, ички түфён, шавқ, завқ, ишонч, қизиқувчанлик ўз-ўзидан қониқиши ҳиссини уйғотиш билан бирга, янги мэрраларни забт этишга чорлайди. Ақлий ижодийлик фикрлашнинг ностандартлиги, мустақиллиги ва “креативлиги” ҳосиласидир.

**6. Аудиториядан ташқари “дарс”лар.** Магистрлар билан дарсдан ташқари норасмий мулоқотлар натижаси дарснинг сифати, самарадорлиги, янгиликка қаратилгани, “аслида магистр нима хоҳлади?” деган саволга энг тўғри жавоб олишининг содда йўлидир. Магистрлар билан “саёҳат”лар илмий фаолиятдаги новаторликка йўл очади. Талабалик давридаги “саёҳат” бир умр хотирада қолади.

Тақиқлар ҳар қандай тафаккур эгасини “фалаж”лайди, яъни ҳар доим қиласидан ишни қилиш билан ҳали ҳеч ким қўл урмаган ишни қилиш ўртасида жиддий фарқ бор. Ёруғлик ҳар қанча файзли бўлмасин, энг ноёб ва дурдона фикрлар қоронғуликда туғилади. Олмос кўзларни қанчалик қамаштирумасин, унинг ватани заминнинг туб-тубида экани ҳақиқатdir. Кирраланган олмос, углероднинг бир шакли, чукур ер қатламидан лава оқимлари билан отилиб чиқсан қаттиқ ва ноёб минерал, келиб чиқишига кўра асли кўмир. Кўмир ўта зич босим ва ҳаддан зиёд юқори ҳароратда узоқ вақт тобланиш ҳисобига ўзига хос гўзаллик, шаффофлик ва камалакранг ёғдуга эга бўлади. Лекин ҳар қандай кўмир ҳам олмос бўла олмайди! Аудиториядан ташқари мулоқот энг “ёқимли” мулоқотдир.

**7. Билимдонлик ўйинлари.** Илмталабларнинг тафаккур сарҳади турли олимпиада, шоу, форум, тантана, заковат интеллектуал ўйинлари билан яна ҳам кенгаяди. Ўйинлар орқали магистр учун ўзининг қулайлик

зонасидан чиқиши ҳамда шахслараро муносабатларни ривожлантиришнинг кульминацион нуқтасини топиш имкони туғилади. Шахсий ривожланиш масаласида ҳар кимнинг ўз тажрибаси, тактикаси ва стратегияси бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки интеллектуаллик ҳар бир илмталабнинг дунёқараши мезони билан ўлчанади.

**8. Доскадан “экран” ясаш** баъзан вазият тақозосидан, балки объектив ва субъектив сабабга кўра, илмталабларнинг маъруза тинглашга тоқати етмайди. Тажрибали педагог бу ҳолатни “табиий” деб билиб, вақтини илмталабларнинг сўнгги умидларини ҳам “пуч”га чиқарадиган “мораль” ўқишига сарфлашдан кўра, доскадан “экран” ясайди. Масалан, “Биласизларми, нима учун Америка “Америка” деб аталади?” ёки “Бобур Мирзонинг шиаларнинг салласи туширилган суратидан бошқа сурат ҳам топилди!” ёки “Аномал совуқ фақат Ўзбекистон ҳудудида рўй бердими?” каби мавзу доирасидан чиқкан, “тўмтоқ” саволлар мияни чархлаш, онгни зарядлаш, тафаккурни созлаш вазифасини ўтайди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, аудиториядаги муҳит “жонланиш” билан бирга, магистрлар зерикарли маъруза орасида айтилган ноодатий топишмоқ, мақол, қизиқарли факт, ҳикоя ёки бўлган воқеани яхши эслаб қолишади. Бу борада Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сида келтирилган ҳикоятлар қўл келади. Энг муҳими, ҳикоятдан “уйғонган” ақллар зерикарли маърузани мазза қилиб ҳазм қилишади. Эътиrozли жиҳати шундаки, дарс жараёнида “пауза” учун муайян вазият вужудга келмагунича бу усул ўзини окламайди.

**9. Устоз-шогирд ҳамкорлиги** ҳар қандай дарс самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Магистрлар билан мулоқот жараёнида устознинг улар яна қандай билимлардан баҳраманд бўлишлари ҳақида қизиқиши, дарс юзасидан фикр билдириши муҳим бўлиб, илмталаблар қизиқарли стратегияларни таклиф этишлари, кутилмаган таклифлар билан чиқишилари дарсларнинг қизиқарли, “жонли” ва сифатли ўтишига замин яратади.

Маърузанинг “ташкилий” ишлари устоз билан боғлиқ бўлса, семинар машғулотлари бевосита устоз назоратида магистрларнинг фаоллиги орқали намоён бўлади. Устоз магистрларнинг семинар машғулотига киритган ҳар қандай янгилигини қабул қилса, уларни қўллаб-қувватласа, масалага ижодий ёндашса, магистрдаги новаторликни юқори баҳоласа, ўз-ўзидан, устоз магистрларга ҳар жиҳатдан идеал, намуна бўла олади.

Ҳар қандай дарс мазмунан ва шаклан тушунарли, юқори интеллектуал даражада ташкил этилса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Дарснинг сифати ва самарадорлиги унинг шакли, услуби, меъёри ҳамда қандай аудиторияда ўтилишига боғлиқ.

Маъруза ва семинар дарслари ўзига хос бўлиб, бири иккинчисининг ўрнини боса олмайди. Лекин маъруза ва семинар машғулотлари бир-бирини тақозо этади, улар тизимли кетма-кетликка асосланиб, бири иккинчисини тўлдиради. Дарс ўтишнинг шакл ва усуллари ҳам вақт, ҳам замон, ҳам аудитория нуқтаи назаридан ўзгаради.

Магистрларда семинар машғулотлари бакалавриат талабалари ўтказиладиган семинар машғулотларидан мустақиллиги, ижодийлиги, ташаббускорлиги, қизиқарлилиги, ахборот ва маълумотлар базасининг чексизлиги, билим доирасининг кенглиги жиҳатидан юқори темпда бўлади.

Семинар машғулотларининг савияси магистрларнинг илмга чанқоқлиги, иқтидори, изланувчанлиги, билимдонлиги даражасига боғлиқ.

Семинар машғулоти ўтишнинг ҳам объектив, ҳам субъектив томонлари бор. Объектив томони маъruzанинг мазмуни билан боғлиқ бўлса, субъектив томони маъruzанинг ўзлаштирилишида акс этади. Семинар машғулоти магистрларнинг дарсга тайёргарлик критерийси, индивидуал ёндашуви, услугуб ва усусларни дарс жараёнига эркин қўллаши орқали намоён бўлади. “Ҳа” деб битта услугуб ва услугга маҳкам ёпишиб олиш аудиторияни “ҳолдан тойдириб”, билим олишдан “бездирали”.

Кўп жиҳатдан семинар машғулотининг самарадорлиги, магистрларнинг дарснинг қанчалик даражада ўзлаштирганлари маъруза дарсида танланган услубиятга боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи бор қобилиятини маъруза дарсларида намоён қилиб, маърузага мос келадиган инновацион усусларни қўлласа, фаннинг мазмунини очиб берса, тажрибаларини тақдим этса, бу семинар машғулотига ижобий таъсир кўрсатади. Магистрлар семинар дарсида устозлари каби эркин, ишонч билан сўзлаш, “гапириб туриб, ўйлаш” санъатини ўзлаштиришлари муҳим. Семинарда, одатда, устоз ва шогирд, фикрлаш ва уни қайта ишлаш, ўйлаш ва сўзлаш жараёни синтезлашиб, аввал обдон ўйлаш, сўнг гапиришга фурсат бўлмайди. Устозлик шарафи, маҳорати, гениаллиги, ўзига хослиги ана шу мезонда теран намоён бўлади.

Семинар машғулотлари магистр учун тажриба мактаби. Магистр мавзуни тушунтиришда унга “тиклиб” турган кўзлардан қўрқмаслиги зарур. Акс ҳолда, магистр айтмоқчи бўлган фикрлари “ақлидан учиб”, нокулай аҳволга тушиб қолиши, асабийлашиши, аудиториядан чиқиб кетиши, жойига ўтириб олиши, кулгуга қолиши, “изза” бўлиши, ўзига бўлган ишончдан маҳрум бўлиши каби ҳолатлар рўй беради.

Магистр аудиторияни бошқариш услубини билиши, ҳаддан ташқари шовқин ёки сукунат, эътиборсизлик, диққатсизлик каби жараёнлардан усталик билан чиқиб кета олиши керак. Кўпинча, устозлар магистрларнинг ақлий имкониятларини эътиборга олиб, уларни кичик курсларда дарс ўтишга юборишади. Бугунги ёшларнинг билим, кўникма ва малака даражаси юксаклиги, билимларни ўзлаштириш сифати юқорилиги эътибордан четда қолиши натижасида кўнгилсиз ҳолатлар (магистр талабанинг берган саволига жавоб бера олмаслиги, шовқинни бошқара олмаслиги, талабаларга беписанд муомала қилиши, талабани ерга уриши, дарсдан чиқариб юбориши ва ҳоказо) юзага келади. Бу каби ҳолатлар рўй бермаслиги учун магистр аввал тажриба тўплаши, ҳурматга сазовор бўлиши, “авторитет”га эга бўлиши мақсадга мувофиқки, таълимнинг

калити нутқ билан, тарбиянинг калити хулқ билан. Магистрнинг коммуникатив “компетентлик” даражаси етарли бўлиши, нутқ маданияти, тил имкониятларидан ўринли ва унумли фойдалана олиши, нотиқлик маҳоратига эга бўлиши сифатли таълим гарови бўлади.

Магистр илк бор семинар машғулотида дарс ўтаётган бўлса, қуидаги шартларга амал қилиши муҳим:

ўзига бўлган ишончни шакллантириш;

билими, маҳорати, малакаси юқори эканини ҳис этиш;

мавзу қизиқарли бўлиши учун муаммога горизонтал ва вертикал аурадан қараш;

мавзуга доир қизиқарли фактлар топиш;

мавзуни тушунарли баён қилиш;

нутқнинг аниқлиги тафаккур ва талаффуз тиниқлиги ифодаси эканини ёдда сақлаш;

ўқитувчи маъруза дарсида қўллаган усул ва услублардан семинарда янгилangan ва бойитилган форматда фойдаланиш;

мавзу бўйича камида йигирма беш-ўттизта савол тузиш;

мавзу қизиқарли бўлиши учун ўқитувчи ҳали маърузада ҳам қўлламаган усулларни тажрибасида синааб кўриш;

магистрлар билан эркин мулоқот қилиш;

мавзуни ёритишда қўшимча интерактив усулларни қўллаш;

мавзуга ўзининг индивидуаллигидан келиб чиқиб ёндашиш, “қош қўяман деб, кўз чиқармаслик”;

рухий мувозанатни ушлаш, керакли пайтда табассум қилиш, керакли жойда жиддий бўлиш;

“мазза” қилиб, ички қониқиши, мароқ ва иштиёқ билан дарс ўтиш;

ишининг “кўз”ини билиш.

Таълимдан мақсад ўқитиш (билим, малака ва кўнишка ҳосил қилиш), тарбиялаш (шахсий сифатлар, индивидуаллик, ишонч, эътиқод) ва ривожлантириш (фикрлаш, мулоҳаза юритиш, нутқ, ирода) триадаси муштараклигига эришишдир. Мақсад амалга ошишида фан бўйича тайёрланган ўқув адабиётларининг ўрни катта. Замонавий таълим тизимида маъруза соатлари қисқариб, аудиториал семинар соатлари ортиб бормоқда. Бунинг ижобий тарафи илмталабларга ишонч, эркинлик ва мустақиллик берса, иккинчи тарафи, уларнинг ўз устиларида жиддий шуғуланишларини тақозо этади.

“Қандай ўқитиш керак?” деган савол трендга айланган бугунги кунда “илмталаблар эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда” дейиш ўринли. Тажрибада кўплаб устозларнинг маърузалари ва семинар машғулотлари тафаккур призмасидан ўтказилганида айрим кўз илғамас тафовутлар кўзга ташландики, улар мазкур ўқув-услубий қўлланмада услубий ечимини топди. Айтишадики, “ўртacha ўқитувчи баён қилади, яхши ўқитувчи тушунтиради, машхур ўқитувчи намойиш қилади, буюк ўқитувчи эса

илхомлантиради”. Улардан қайси бири бўлиш ҳар бир зиёкорнинг касбий компетенциясига боғлик.

Мазкур ўкув-услубий қўлланма бошқа ўкув адабиётларидан новаторлик хусусияти билан фарқланади. Муаллиф шунчаки “матн” ёзиш билан мақсадга эришиб бўлмаслиги, аксинча, мунозара учун саволлар, ўқиши учун ҳам бадиий, илмий ва ўкув адабиётлар тавсияси, изоҳталаб расмларга муносабат, қизиқарли саволлар, теша тегмаган эссе мавзулари магистрларни илхомлантириш билан бирга, саволларга жавоб излаш, китоб ўқиши, қўшимча адабиётлар билан танишиш, “эссе” ёзиш маҳоратини оширишга хизмат қилишини эътиборга олган.

Ўкув-услубий қўлланмада фан дастуридаги семинар мавзулари ва машғулот режалари тузилган. Мақсад илмий тадқиқот методологияси фанининг асосий ғояларини янгича руҳда етказиш, таҳлил қилишга оид билим, малака ва қўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган интерфаол усул ва услуг орқали магистрларнинг семинар машғулотига мустақил тайёрланишлари, мавзуларни жасорат билан мустақил ўзлаштиришлари учун инновацион таълим технологиясини амалиётга жорий этишдир.

## **1-мавзу. Фан ижтимоий-маданий ҳодиса**

1. Фан ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида билим, фаолият ва ижтимоий институт
2. Фан тушунчасининг кенг ва тор маънолари
3. Фан тарихига оид ёндашувлар: презентизм ва антикваризм, интернализм ва экстернализм, сциентизм ва антисциентизм
4. Фан тарихи тараққиётининг асосий босқичлари
5. Фаннинг функциялари
6. Фаннинг микроконтексти ва макроконтексти

### **Таянч сўзлар:**

фан, билим, фаолият, ижтимоий институт, фан тарихи, фан тараққиётининг асосий босқичлари, фаннинг функциялари, фаннинг микроконтексти ва микроконтексти, интерсубъективлик, фаннинг динамик ва статик қонуниятлари, аналитик ва синтетик билим, фаннинг дифференциацияси ва интеграцияси

### **Ўқиш учун тавсия этиладиган юзта энг яхши китоб**

1. Қуръони карим
2. Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда. Уламолар наздида вақтнинг қадри
3. Абдулла Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари
4. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар
5. Абдулҳамид Ҷўлпон. Кеча ва кундуз
6. Абу Исо Термизий. Шамоили Муҳаммадия
7. Абу Лайс Самарқандий. Таnbex ул-ғоғилийн
8. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри
9. Абу Ҳомид Ғаззолий. Илм китоби
10. Абу Ҳомид Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин
11. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат
12. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб
13. Абу Ҳомид Ғаззолий. Эй, ўғлон
14. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома
15. Авесто
16. Айдин Ҳиз. Менинг кўнглим бир қушдир
17. Александр Дюма. Граф Монте Кристо
18. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий
19. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси
20. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр
21. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб
22. Антуан де Сент Экзюпери. Кичкина шаҳзода

23. Артур Конон Дойл. Шерлок Холмс саргузаштлари
24. Асқаров А. Ўзбек давлатчилиги тарихи
25. Афлотун. Давлат
26. Аҳмад Лутфий Қозончи. Саодат асри қиссалари
27. Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Ибодати Исломия
28. Виктор Гюго. Кулаётган одам
29. Габриэл Маркес. Ёлғизликнинг юз йили
30. Габриэл Маркес. Ошкора қотиллик қиссаси
31. Ғафур Гулом. Шум бола
32. Даниел Дефо. Робинзон Крузо ва унинг саргузаштлари
33. Дейл Карнеги. Муваффакият калити
34. Жорж Оруэлл. 1984
35. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома
36. Ибн Батута. Саёҳатнома
37. Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад
38. Имом Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳих
39. Кайковус. Қобуснома
40. Калила ва Димна
41. Комилов Н. Тасаввубуф
42. Лев Толстой. Иқрорнома
43. Лев Толстой. Уруш ва тинчлик
44. Ли Мён Бак. Мўъжизалар содир бўлмайди
45. Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир
46. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий
47. Манноп Эгамбердиев. Сариқ аждар ҳамласи
48. Марсель Брион. Мен ким соҳибқирон Амир Темур
49. Маҳтумкули. Девон
50. Машраб. Девон
51. Мирзакалон Исмоилий. Инсон ҳусни
52. Миркарим Осим. Аждодларимиз фожиаси
53. Михаил Булгаков. Уста ва Маргарита
54. Мурод Мансур. Жудолик диёри
55. Ойбек. Болалик
56. Пауло Коэльо. Алкимёгар
57. Пиримқул Қодиров. Юлдузли тунлар
58. Рабғузий. Анбиёлар қиссаси
59. Радий Фиш. Жалолиддин Румий
60. Расул Ҳамзатов. Менинг Догистоним
61. Рей Бредбери. Фаренгейт бўйича 451 градус
62. Ризоуддин ибн Фахруддин. Хулофои рошидийн
63. Робинранат Тагор. Нур ва соялар
64. Садриддин Айний. Судхўрнинг ўлими
65. Сайд Аҳмад. Уфқ

66. Саъдий Шерозий. Гулистон ва Бўстон
67. Соҳибқирон Амир Темур. Темур тузуклари
68. Сўфи Оллоҳёр. Маслак ул-муттақин
69. Сўфи Оллоҳёр. Сабот ул-ожизийн
70. Теодор Драйзер. Америка фожиаси
71. Тимоти Ж. Уинтер. ХХI асрда Ислом ва постмодерн дунёда

қиблани топиш

72. Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди
73. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар
74. Тоҳир Малик. Одамийлик мулки
75. Тоҳир Малик. Сўнгги ўқ
76. Ўткир Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар
77. Ўткир Ҳошимов. Дунёнинг ишлари
78. Федор Достоевский. Жиноят ва жазо
79. Франц Кафка. Жараён
80. Фурқат. Девон
81. Ҳожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат
82. Чингиз Айтматов. Асрга татигулик кун
83. Чингиз Айтматов. Жамила
84. Чингиз Айтматов. Қиёмат
85. Шавкат Раҳмон. Сайланма
86. Шайх Абдулазиз Мансур. Куръони карим маъноларининг

таржималари

87. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила
88. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар
89. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Иймон
90. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Руҳий тарбия
91. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Сунний ақидалар
92. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ирфон
93. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт
94. Шайх Фариддиддин Аттор. Мантиқ ут-тайр
95. Шайх Фариддиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё
96. Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар
97. Эврил Турон. Бу тоғлар улуғ тоғлар
98. Эзоп. Масаллар
99. Юнус Эмро. Девон
100. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг

### **Мунозара учун саволлар**

1. Фан нима?
2. Фан ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида қандай намоён бўлган?
3. Фан тушунчасининг кенг ва тор маънолари қандай фарқланади?

4. Фан тарихига оид қандай ёндашувлар мавжуд?
5. Фан тараққиётининг асосий босқичлари қайсилар?
6. Фаннинг функцияси нима?
7. Фаннинг микроконтексти ва микроконтексти қандай маънони англатади?
  8. Ўтмишга ҳозирги кун кўзи билан қараш фанга нима беради?
  9. Оёғининг остидан бошқа ерни кўра олмайдиган олимни нима деб аташ мумкин?
  10. Ўтмишнинг тўлиқ манзарасини ҳозирги замонга боғламасдан тиклаш ворисийликни инкор қиласади?
  11. Илмий билимнинг ўсиш йўллари ва йўналишларини қайси омиллар белгилайди?
  12. Фаннинг ривожланиш мантиқи нима билан белгиланади?

### **Креатив топшириқлар Brain Storming (Брейнсторминг)**


*Фан келажак учун хизмат қиласади. Бугун фансиз яшаемиз. Демак ...*

Муаммони ҳал қилиш учун гояларни чиқариш	Гояларни уларнинг аҳамиятлигига қараб, тартиблаш	Фаол фикрлаш малакасини шакллантириш	Кутилмаган гояларнинг пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш	Топилган гоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш	Фикрни жамлаш, якуний хулоса чиқариш

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Фан феноменининг ижтимоий-фалсафий талқини
2. Фан – ижтимоий-маданий ҳодиса
3. Фан ва фаолият муштараклиги
4. Фан тарихига оид ёндашувларнинг фалсафий таҳлили
5. Фан тараққиётининг асосий босқичлари
6. Фаннинг микроконтексти ва микроконтексти
7. Фаннинг функциялари
8. Презентизм фалсафаси
9. Фанларнинг таснифи
10. Билимнинг илмийлик мезони
11. Интернализм ва экстернализмнинг фан тараққиётидаги ўрни
12. Антикваризмнинг фалсафий моҳияти

## Сурат билан сұхбат



## Эссе учун мавзулар

1. Фан менинг тақдиримда ...
2. Фан ва ижод муштараклиги ...
3. Мағлубият катта ютуқларга етаклайди ...
4. Билим ва билишнинг фарқи ...
5. Илмдан қалб ёришиши учун ...
6. Илмий тадқиқотчининг ўзига хос жиҳатлари ...
7. Илм ва амал муштараклиги ...
8. Илмсизлик балоси ...
9. Игна билан қудук қазиши ...
10. Инсон қанча кўп билим эгалласа, шу қадар кучли ...
11. Сиз нимани англамасангиз, у сизга бегона ...
12. Фаннинг динамик ва статик қонуниятлари ...

## Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Агацци Э. Моральное измерение науки и техники. – Москва: 1998.
2. Бернар Дж. Наука в истории общества. – Москва: 1956.
3. Болдин, А., Максимов М. Основы научных исследований. – Москва: Издательский центр Академия, 2019. – 336 с.
4. Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: ТМИ, 2004.
5. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.
6. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.
7. Исламджанова Х. Основы научных исследований. – Тошкент: 2009.
8. Қодиров Б. Истеъдод // Тафаккур. – Тошкент. 2007. №3. – Б. 65-69.

9. Marcy A. Kelly, Pryce L. Haddix. The fundamentals of Scientific Research: An Introductory Laboratory Manual, Hoboken, New Jersey: "John Wiley & Sons, Inc.," – P. 208.

10. Мирахмедов М., Тохиров М. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Тошкент темир йўллар институти нашриёти, 2012.

11. Мирзиеёв Ш. Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар – бугунги ва эртаниги қунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзланган нутқ. 2017 йил 30 июнь / Мирзиеёв Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

12. Мирзиеёв Ш. Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнақига хизмат қиласин. Мамлакатимиз илмий жамоатининг вакиллари билан учрашувдаги нутқ. 2016 йил 30 декабрь / Мирзиеёв Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

13. Мирзиеёв Ш. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқ. 2016 йил 18 октябрь / Мирзиеёв Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

14. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3775-сонли Қарор. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 5 июнь.

15. Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 132 б.

16. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.

17. Холтон Дж. Что такое антинаука // Вопросы философии. – Москва: 1992. №2.

## Интернет ресурслари

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
2. [www.philosophy.ru](http://www.philosophy.ru)
3. <http://www.intencia.ru>
4. <http://www.anthropologu.ru>
5. <http://www.ido.rudn.ru>
6. <http://www.filosofia.ru>
7. <http://www.falsafa.dc.uz>
8. <http://www.phenomen.ru>
9. <http://www.lib.ru/filosof>.
10. <http://www.filam.ru/sait.phg>.

## **2-мавзу. Фанларнинг таснифи**

1. Фан билишнинг махсус шакли
2. Фанлар таснифи: фундаментал, назарий, амалий, экспериментал, техника, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўзаро алоқаси ва фарқлари
3. Фанлар таснифига оид қарашлар тарихи
4. Илмийлик мезонларининг таснифи
5. Фаннинг динамик ва статик қонуниятлари. Аналитик ва синтетик билим
6. Фанларнинг дифференциацияси ва интеграцияси
7. Фаннинг образи, фаннинг ижтимоий-маданий мўлжаллари

### **Таянч сўзлар:**

фан, илм, билим, билиш, классификация, фундаментал, назарий, амалий, экспериментал, техника, ижтимоий-гуманитар фанлар, илмийлик, динамик қонунлар, статик қонунлар, аналитик ва синтетик билим, дифференциация, интеграция, ижтимоий-маданий тараққиёт

### **Мунозара учун саволлар**

1. Билишнинг қандай даражалари бор?
2. Мутахассислик соҳаси истиқболи фан билан боғлиқми?
3. Танлаган соҳангиз бўйича фаолият олиб бораётган олимлардан кимларни биласиз ва уларнинг илмий ишлари билан танишмисиз?
4. Фанлар қандай тасниф этилган?
5. Арастунинг фанлар таснифидаги ўрни қай даражада?
6. Фундаментал фанларга нималар киради?
7. Назарий фан доираси қандай?
8. Амалий фанлар билан назарий фанлар ўртасида қандай фарқ бор?
9. Илмийлик мезони қандай таснифланган?
10. Фаннинг динамик ва статик қонуниятлари нима?
11. Аналитик ва синтетик билимнинг ўхшашиблик ва фарқли жиҳатлари нимада?
12. Цивилизация тарихида фанларнинг дифференциацияси ва интеграцияси қандай аҳамиятга эга бўлган?

### **“Муаммоли савол” методи**

Изоҳ: Муаммоли савол бирор-бир масала, ҳолатга яқдил, инвариант жавобнинг мавжуд эмаслиги (ёки жавобларнинг кўплиги), муайян вақт ва маконда ечими топилмаганлиги билан изоҳланади. Муаммоли саволнинг ўкув машғулотида кўлланилиши магистрларни билиш жараёнига жалб

қилиб, ижодий фикрлашни ривожлантиради. Муаммоли саволнинг педагогик вазифаси янги ўкув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва ечим топиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил этиш.

*Савол: фан ривожи ва у орқали вужудга келадиган дунёning илмий манзараси эволюциясининг ҳудуд жиҳатдан нотекис эканлигини қандай изоҳлайсиз?*

*Савол: Ўзбекистонда илм-фан ривожи, унинг келажагини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиши бўйича қандай ечим бера оласиз?*

*Савол: келажак фанини қандай тасаввур қиласиз?*

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Фан фалсафаси
2. Фан ижтимоий онг шакли
3. Фанлар таснифи
4. Фанларнинг ўзаро алоқаси ва фарқлари
5. Фанлар таснифига оид қарашлар тарихи
6. Қадриятлар тизимида фаннинг ўрни
7. Фундаментал, назарий, амалий, экспериментал фанлар генезиси
8. Илмийлик мезонларининг таснифи
9. Фаннинг динамик ва статик қонуниятлари
10. Аналитик ва синтетик билимлар таҳлили
11. Фанларнинг дифференциацияси ва интеграцияси
12. Фан соҳасидаги ислоҳотлар таҳлили

### **Сурат билан сұхбат**



## **Эссе учун мавзулар**

1. Илмий салоҳият мезони ...
2. Дунёқараашлар призмасида фаннинг ўрни ...
3. Ўзбек зиёлиси портрети ...
4. Маърифат бўлмаса ҳеч нарсага эришиб бўлмайди ...
5. Фан соҳасидаги ислоҳотлар ...
6. Назария ва амалиёт бирлиги ...
7. Гуманитар фанларнинг фан тараққиётидаги ўрни ...
8. Фаннинг статик қонунлари ...
9. Фанларнинг дифференциацияси истиқболи ...
10. Севимли фаним ...
11. Илмийлик мезонлари ...
12. Фан ҳар қандай давлат ривожланиши учун етакловчи асосий куч ...

## **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Кудрявцев В.Н. Свобода научного творчества // Государство и права. – Москва: 2005, №5. – С. 22-28.
2. Қодиров Б. Истеъдод // Тафаккур. – Тошкент. 2007. №3. – Б. 65-69.
3. Лешкевич Т. Неопределенность в мире и мир неопределенности. – Ростов-на-Дону, 1994. – 142-154-б.
4. Новиков А., Новиков Д. Методология научного исследования. Москва: Либроком, 2015. – 200 с.
5. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3775-сонли Қарор. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 5 июнь.
6. Рузавин Г. Методология научного исследования. – Москва: Прогресс, 1999. – С. 214-215.
7. Сабитов Р. Основы научных исследований: Учебное пособие / Челяб. гос. ун-т. – Челябинск: 2020. – 160 с.
8. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.
9. Saunders M., Lewis P., Thornhill A. (2009) Research Methods for Business Students. Fifth edition. 3. Robson C. (2011) Real World Research. Third edition. 4. Walliman N. (2011) Research methods: the basics. Taylor and Francis group. London and New York. 5
10. Қодирқул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: 2015.
11. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ношир, 2020.

### **3-мавзу. Ижод ва илмий тадқиқот – билиш фаолиятининг маҳсули**

1. Ижод илмий фаолиятни мақсадли ташкил этиш омили
2. Ижоднинг асосий хоссалари
3. Илмий ижоднинг амал қилиш механизмлари
4. Ақлнинг ижодий фаоллиги имкониятлари
5. Илоҳий ижодкорликнинг ўзига хос хусусиятлари
6. Даҳоликнинг табиати
7. Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш босқичлари

#### **Таянч сўзлар:**

ижод, илмий фаолият, ижодкорлик, илмий ижод, бадий ижод, заковат, идрок, ижодий фаоллик, илоҳий ижодкорлик, даҳо, истеъдод, илҳом, даҳолик, бунёдкорлик, маънавий мерос, илмий тадқиқот, фаолият, илм, олим, кашфиёт, умумбашарий муаммолар

#### **Мунозара учун саволлар**

1. Ижодкорлик табиати қандай намоён бўлади?
2. Тадқиқотни ташкил этишда мақсаднинг ўрни қай даражада?
3. Тадқиқотчига хос дохиёна хусусиятлар қандай шаклланади?
4. Олим бўлиш осонми?
5. Тадқиқотчи қобилият билан интилиш мутаносиблигига эришиш учун нима қилиши керак?
6. Ижоднинг хоссаси нима?
7. Илмий ижод қандай қонуниятларга амал қиласди?
8. Илоҳий ижодкорлик нима?
9. Ақлнинг ижодий фаоллиги нима?
10. Даҳолик нима?
11. Илмий тадқиқот фаолияти қандай ташкил этилади?
12. Даҳолик феномени қандай шаклланади?

#### **Мустақил иш мавзулари**

1. Ижод фалсафаси
2. Илмий фаолият ва ижод алоқадорлигининг фалсафий таҳлили
3. Ижоднинг асосий хоссалари
4. Илмий ижоднинг амал қилиш механизмлари
5. Ақлнинг ижодий фаоллиги имкониятлари
6. Илоҳий ижодкорликнинг ўзига хос хусусиятлари
7. Даҳоликнинг табиати
8. Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш босқичлари


9. Мустақил иш ёзиш қоидалари
10. Реферат ёзишнинг креатив усуллари
11. Ижод феномени
12. Дунёнинг илмий манзараси

## **Мавзуни ёритиш учун энг қулай ва креатив инновацион усулни танланг**

“Инсерт”	“Домино”	“Кадам ба қадам”	“Занжир”	Синквейн
Сұхбат	Резюме	“Үргимчак түри”	Экспром	Баҳс
“Балиқ скелети”	Блум кубиги	“Заковатли зукко”	Кластер	“Пинборд”
“Зинама-зина”	“Зиг-заг”	Ишбилармон үйин	“Чархпалак”	SWOT
S C O R E	Мониторинг	Идрок харитаси	T-схема	Ассисмент
Кичик гурухда ишлаш	Тушунчалар таҳлили	Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси) ортиқча	Венн диаграммаси	“Қора кути”
Қандай?	Нима учун?	Юмалоқланган қор	Ақлий ҳужум	Ролли үйин
Давра сұхбати	SCAMPER	Веер (елпифич)	KWHL	ФСМУ
Видеотопишмоқ	“Метаплан”	Қарорлар шажараси	CASUS	WIH

### **Сурат билан сұхбат**

1. Нимани күрятпсиз?
2. Бу ҳақда нима деб үйлайсиз?
3. Суратлар нима ҳақида үйлашга мажбур қиляпти?



## **Эссе учун мавзулар**

1. Ижод яратувчанлик фаолиятининг ифодаси ...
2. Ижод эркинлиги ...
3. Энг даҳшатли қуллик – фикр қуллиги ...
4. Бадиий ижоднинг илмий ижод билан муштараклиги ...
5. Олимнинг илмий ижод олами ...
6. Илмий фаолиятда ижодкорлик ва креативлик ...
7. Ижодда рақобат бўлади ...
8. Даҳолар орамизда яшайди ...
9. Фикрлаш санъати ...
10. Заковат бу ...
11. Илоҳий ижодкорлик илоҳий неъматдир ...
12. Ахборотлашган даврда ақлга эҳтиёж кучли ...

## **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Баскаков А., Туленков Н. Методология научного исследования: Учебное пособие. – Киев: МАУП, 2019. – 180 с.
2. Болдин А., Максимов М. Основы научных исследований. – Москва: Издательский центр Академия, 2019. – 336 с.
3. Добреньков В., Осипова Н. Методология и методы научной работы. Москва: КДУ, 2012. – 230 с.
4. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.
5. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.
6. Қодиров Б. Истеъод // Тафаккур. – Тошкент. 2007. №3. – Б. 65-69.
7. Мирахмедов М., Тохиров М. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Тошкент темир йўллар институти нашриёти, 2012.
8. Очилов Б. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Ташкент: ТашГИВ, 2019. – 160 с.
9. Сабитов Р. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Челяб. гос. ун-т. – Челябинск: 2020. – 160 с.
10. Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 132 б.
11. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.
12. Қодирқул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: 2015.
13. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ношир, 2020.

#### **4-мавзу. Илмий тадқиқотнинг намоён бўлиш жиҳатлари**

1. Илмий тадқиқот тушунчаси ва уни амалга ошириш босқичлари
2. Илмий тадқиқот намоён бўлишининг асосий жиҳатлари: эркинлик, ёзма матн ва унинг оғзаки матндан фарқи
3. Илмий тадқиқотни илмий иш сифатида расмийлаштиришнинг аҳамияти ва методикаси
4. Илмий тадқиқот натижаларини ифодаловчи тезис, мақола, монографияларни тайёрлашда билимнинг аҳамияти ва уларнинг тақдимоти
5. Халқаро журналларда мақолалар нашр қилишнинг зарурияти ва аҳамияти.
6. Олимларнинг илмий ишларига иқтибос беришнинг илмий фаолиятдаги ўрни
7. Плагиат (кўчирмачилик) олим шаънига иснод сифатида
8. Халқаро илмий базаларда мақола жойлаштиришнинг зарурияти
9. Кутубхоналарда ишлаш амалиёти: алфавит, системали ва электрон каталоглар

#### **Таянч сўзлар:**

билим, илм, тадқиқот, илмий тадқиқот, изланувчи, эркинлик, ёзма матн, оғзаки матн, илмий иш, тезис, мақола, монография, халқаро журнал, иқтибос, плагиат (кўчирмачилик), антиплагиат, халқаро илмий база, ХИРШ индекси, кутубхона, алфавитли, системали ва электрон каталог

#### **Мунозара учун саволлар**

1. Буюклар муаммоларни қандай ҳал этишган?
2. Илмий тадқиқот нима?
3. Илмий тадқиқот қандай намоён бўлади?
4. Эркинлик билан илмий тадқиқотнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари борми?
5. Ёзма матн нима?
6. Илмий мақола ёзиш учун қанча вақт сарфлайсиз?
7. Тезис нима?
8. Монография қандай ёзилади?
9. Мақола ёзишга қандай талаблар қўйилганди?
10. Халқаро журналларда мақола нашр қилиш нима учун заруриятга айланди?
11. Иқтибос нима?
12. Нима учун иқтибос керак?

## **Тафаккур дарси**

**Жим Рон. Ақл витаминлари. – Тошкент: Санъат, 2009. – 130 б.**

Тавсия этилган китобдан Сиз ҳам ўзингизнинг шахсий ривожланишингиз учун ҳеч бўлмаганда ўн иккита ҳикматли сўзни излаб топинг

1. Ҳозир ҳаракат вақти
2. Орзулар рўйхатини тузинг
3. Ўзингиз учун фақат ўзингиз жавобгарсиз
4. Ўзгартириш танлашдан бошланади
5. Берувчи қўл олувчи қўлдан яхшироқ
6. Қадр-қиммат бебаҳодир
7. Кўп қатори юрманг, ўз йўлингиздан юринг
8. Чумоли фалсафаси
9. Пулни қувманг, пул сизни қувсин
10. Ички душманлар: қўркув, хавотир, эҳтиёткорлик, иккиланиш, бефарқлик, қатъиятсизликдан воз кечиш
11. Режа тузинг ва режага мувофиқ ишланг
12. Интеллектуал ривожланишдан тўхтаманг

## **ИМРАД усулида мақола ёзиш услуби**

Халқаро илмий журналларнинг аксарияти экспериментал тадқиқот натижаларини тавсифловчи мақолага қўйидаги асосий қисмлардан иборат талабни белгилайди: “Кириш”, “Усуллар”, “Натижалар” ва “Мунозара” (Introduction, Methods, Results and Discussion – IMRAD).

Илмий мақола бўлимларининг ички тузилиши:

мақола назарий изланишларга бағишлиган бўлса, “Methods” бўлими “Theoretical Basis”га (назарий Асос) алмаштирилади. Мақоланинг “Кириш”, “Методлар”, “Натижалар” ва “Мунозара” бўлимлари – мақоланинг асосий қисми (Article Body) деб аталади.

Муаллиф асосий эътиборни мақола асосий қисмига қаратади. Мақоланинг бўлимлари “Сарлавҳа”, “Муаллифлар” ва бошқа маълумот (ФИШ, ID-кодлар, иш жойи, манзил, тадқиқот маскани, илмий унвон ва ҳ.к.), “Аннотация”, “Калит сўзлар”, “Асосий қисм”, “Кириш”, “Методлар”, “Натижалар”, “Мунозара”, “Қўлланилган манбалар рўйхати”дан иборат.

IMRAD форматидаги илмий нашрлар биринчи марта XX аср охирида илмий журналлар саҳифаларида пайдо бўлган. Ҳозирги вақтда IMRAD халқаро журналлар томонидан ихтиёрий қабул қилиниб, универсал стандартга айланган.

IMRAD жуда оддий мантиққа асосланади. Мақоланинг бўлимлари табиий саволларга жавоб бериш керак:

Биринчи савол: тадқиқот қайси муаммога бағишланған? (Кириш бўлими)

Иккинчи савол: муаммо қандай ўрганилди? (Методлар бўлими)

Учинчи савол: Асосий (илмий) топилмалар ёки кашфиётлар қандай? (Натижалар бўлими).

Тўртинчи савол: Натижалар нимани англатади? (Мунозара бўлими)

### Сурат билан сувбат



## **Қуйидаги саволларга жавоб беринг**

*Мен ҳақиқатда мұхим иш билан бандманми?*

*Илмий тадқиқот хусусида ортиқча вахима қылмаятманми?*

*Муаммони ҳал этиши учун нима қилишим мұхим?*

*Менга ёрдам бермоқчи бүлгәнлар нима қилиши кераклигини билишиадими?*

*Мұтахассислик соғасига доир илмий мактаблар ҳақида нималарни биламан?*

*Мұтахассислик бүйічә илмий ійналишилар ҳақида тасаввурим борми?*

*Мұтахассислик соғасида әришилган замонавий нағијалардан хабардорманми?*

## **Мустақил иш мавзулари**

1. Илмий тадқиқот түшунчаси
2. Илмий тадқиқотни амалға ошириш босқичлари
3. Илмий тадқиқотдаги әрқинлик
4. Илмий тадқиқот ишини расмийлаштириш қоидалари
5. Тезис ҳақида түшунчा
6. Мақола ёзиш қоидалари
7. ИМРАД усулида мақола ёзиш усули
8. Монография – битта мавзуни атрофлича, чуқур тадқиқ этувчи илмий асар
9. Плагиат ноқонуний “дипломли” үғирлик
10. Муаллифлик ҳукуқи
11. Иқтиbos бериш қоидалари
12. Халқаро илмий базаларда мақола нашр этиш қоидалари. ХИРШ индекси

## **Китоб ўқишининг фойдалари**

1. Уйқусизликнинг бепул давоси
2. Асабийлашишга барҳам беради
3. Қалбни юмшатади
4. Мия фаолиятини яхшилайди
5. Стресс ва депрессияга қарши курашишга ёрдам беради
6. Инсонни маънавий-ахлоқий гүзаллаштиради
7. Хотира ва фикрлаш қобилиятини яхшилайди
8. Ҳаётий мақсадини англаш ва қийинчиликларни енгишшеге ёрдам беради
9. Сўз бойлигини оширади

10. Фаол ҳаёт тарзига чорлайди
11. Ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради
12. Альцгеймер хасталигига чалинишнинг олдини олади
13. Чет тилларини ўрганишни осонлаштиради
14. Яратувчилик, кашфиётчилик, ихтирочилик, гениаллик каби яширин қобилиятларни очиб беради
15. Ҳам маънавий, ҳам моддий бой қиласи
16. Ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатини яхшилайди
17. Масъулият ҳиссини кучайтиради, вақтни қадрлашга ўргатади
18. Ҳалол ва пок яшашга чорлайди
19. Тинглаш қобилиятини ривожлантиради
20. Севимли сухбатдошга айлантиради
21. Эзгулик ва яхшилик қилишга ундайди

### **Синквейн методи**

Синквейн (фр. “беш қатор”) маълумотларни синтезлаш (алоҳида маълумотлар асосида яхлит ғояларни шакллантириш)га ёрдам берадиган қофиясиз шеър. Синквейн асосида ўрганилаётган мавзу (тушунча, ҳодиса, воқеа)ларга оид маълумотлар тўпланади. Ҳар бир магистр маълумотлар йигиндиси (қофиясиз шеър)ни ўз сўзи билан турли вариант ёки нуқтаи назарлар орқали ифодалайди. Синквейн мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир неча сўз орқали яққол, ёрқин ифодалаш малакаси бўлиб, бу жараён мавзуни пухта ўзлаштириш, маълумотларни яхши англашга ёрдам беради.

“Синквейн” методи техникаси

Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

- 1-қатор – тушунча;
- 2-қатор – тушунчани тавсифловчи иккинчи сифат;
- 3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги учта феъл;
- 4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги тўртта сўздан иборат сўз бирикмаси.

5-қатор – тушунчанинг синоними.

1. компьютер
2. тезкор сифатли
3. тўплайди, сақлайди, узатади
4. замонавий ахборот технология воситаси

### **Синквейн методи асосида қўйидаги ҳикматли сўзлар таҳлил қилинг**

Оломон билан иноқлашиш ақллилар учун эмас, гўзаллар учун фойдали

Вақт ғилдиракни ҳам еб юборади

Барчанинг ўз ҳақиқати бор

Машқ маҳоратни оширади  
Қуёш барчага бирдек нур сочади, қуёш каби бўл  
Фикрлар ҳисобланади, тортиб кўрилмайди  
Билим куч, куч эса билимдир

### **Эссе учун мавзулар**

1. Янгилик, аслида унутилган эскилиkdir ...
2. Бугунги ўзгарувчан дунёда, шиддатли асрда инсон бўлиш қийин ...
3. Муаммо сабабчисини эмас, ечимини излаш лозим ...
4. Ўқитувчининг ўзигина билгани ҳеч нарсани ўзгартирмайди, у ўқувчини ҳам ўзгартириши, ўстириши керак ...
5. Ислоҳот осонлаштиришdir, мураккаблаштириш эмас ...
6. Илмий тадқиқотдаги эркинлик ...
7. Кўчирмачилик ...
8. Олимлик масъулияти ...
9. “Қоринқул”лар жамияти “жаҳолат” исканжасига маҳкумдир ...
10. “Тишининг кирини сўриш”дан бошқага ярамайдиган “тўйчи” халқ фожиасининг асл сабаби ...
11. Плагиат бор экан, илмга йўл бўлсин ...
12. Умрида битта китоб ёки диссертация ўқимаган олим ...

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.
2. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.
3. Исламджанова Х. Основы научных исследований. – Тошкент: 2009.
4. Қодирқул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: Наврўз, 2015.
5. Магистерская диссертация: методы и организация исследований, оформление и защита: учебное пособие / коллектив авторов; под ред. В.Беляева. – 2-е изд., перераб. – Москва: КНОРУС, 2020. – 210 с.
6. Мирзиёев Ш. Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнақига хизмат қилсин. Мамлакатимиз илмий жамоатининг вакиллари билан учрашувдаги нутқ. 2016 йил 30 декабрь / Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда

фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3775-сонли Қарор. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 5 июнь.

8. Очилов Б.Э. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Ташкент: ТашГИВ, 2019. – 160 с.

9. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.

10. Соифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 132 б.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958 сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Конуни.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартағи “Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 214/8 сон Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги “Илмий увонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 224/8 сон Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 239/4 сон Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 239/3-сон Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 авгуустдаги “Илмий ходимлар меҳнатини янада рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 233-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

20. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ахборот технологиялари, 2014.

21. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ношир, 2020.

## **5-мавзу. Илмий тадқиқотнинг намоён бўлиш шакллари**

1. Илмий тадқиқотнинг намоён бўлиш шакллари: индивидуал ва илмий тадқиқот: (битирув малакавий иши, магистрлик ва докторлик диссертацияси, реферат ва мақолалар, курс иши, монография)
2. Диссертациялар билан ишлаш амалиёти
3. Автореферат матнини учинчи шахс номидан тайёрлашнинг зарурияти ва аҳамияти
4. Ҳамкорликдаги илмий тадқиқотнинг ўзига хос хусусияти; буюртма асосидаги ҳамкорлик фаолияти, фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқот ишлари ҳамкорликдаги фаолият маҳсули
5. Ҳамкорликдаги мақола ва монографияларнинг ўзига хос хусусиятлари
6. Техникавий тадқиқот ва унинг типлари
7. Бадиий ижод билан боғлиқ илмий тадқиқотлар. Бадиий ижод ижтимоий онгнинг маҳсус шакли. Техникавий ва бадиий ижод билан боғлиқ илмий тадқиқотлар
8. Педагогик фаолият ва илмий тадқиқотнинг уйғунлигини таъминлашнинг аҳамияти. Импровизация педагогик тадқиқотнинг кўриниши. Педагогик ижоднинг хусусий кўриниши
9. Замонавий илмий тадқиқотлар концепциялари

### **Таянч сўзлар:**

илмий тадқиқот, индивидуал илмий тадқиқот, битирув малакавий иши, магистрлик, докторлик диссертацияси, реферат, мақола, курс иши, монография, диссертация, автореферат, ҳамкорликдаги илмий тадқиқот, техникавий тадқиқот, бадиий ижод, ижодий тадқиқот, педагогик фаолият, импровизация, педагогик ижод, замонавий илмий тадқиқотлар

### **Мунозара учун саволлар**

1. Илмий тадқиқот қандай намоён бўлади?
2. Битирув малакавий иши ёзишда қийналганмисиз?
3. Магистрлик диссертацияси ёзишга маънан тайёрмисиз?
4. Автореферат нима учун учинчи шахс томонидан ёзилади?
5. Кутубхонада магистрлик диссертациялари билан танишдингизми?
6. Реферат ёзишнинг қандай камчилиги бор?
7. Шу сатрларни ўқигунга қадар нечта мақола ёзгансиз?
8. Ҳамкорликдаги илмий тадқиқотнинг қандай афзаллиги бор?
9. “Таълим бирламчи” деган ғоянинг моҳияти нимада?
10. Замонавий илмий тадқиқотлар концепциялари қандай тамойилга асосланади?

11. Педагогик фаолият ва илмий тадқиқот уйғуныңнан қандай эришилады?

12. Импровизацияның педагогик ижодга қандай алоқаси бор?

### Креатив топшириқлар. Фикрларни таҳлил қилинг

*Инсон ақлини чархлаш үйлида кармонини бўшатар экан, ҳеч ким унинг ақлини олиб қўя олмайди. Билимга сарфланган инвестиция энг катта сармоядир. Фикрни таҳлил қилинг*

*Агар ёқтираслик, нафрат деган нарсаларни электр манбаига айлантириши мумкин бўлганида эди, бу билан бутун дунёни ёритса бўлар эди*


*Инсон гапиришини ўрганиши учун икки йилга муҳтож бўлади. Жим туришини ўрганиши учун эса эллик йил ҳам кам*

### Беш “Р” концепцияси

Purpose	“мақсад”
Passion	“жўшқинлик”
People	“жамоат”
Process	“жараён”
Performance	“натижа”

*Илмиз миллат, қавми асир ва заиф қолмур.  
Илмиз давлатни фойдаси йўқ, илмиз дунёдорни ҳаётни йўқ.*

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ



### “Аввал шундай деб ўйлар эдим ... энди эса ... деб ўйлайман” методи

Мантиқий тафаккур машқи. Инсон қаерда бўлмасин, доим фикрлашга эҳтиёж сезади. Фикрламаган инсон оқим бўйлаб сузишга ўрганади. Унинг мияси янги билимларни, тараққиётни, фикрлаш ўзгаришини муҳрлашга ўрганмаган. “Хар тонг бир хил отмайди” дейди сўфийлар. Бугун ҳаётингизда заррача ўзгариш бўлмадими, миянгизга янги фикр келмадими, дунё янгиликларидан бехабар қолдингизми, бир варақ бўлса ҳам китоб ўқимадингизми, демак, сиз айни дамдан бошлаб фикрлашни бошлишингиз керак. “Бугун картошкали бўғирсоқ пиширдим. Авваллари пиёзли бўғирсоқлар пиширар эдим. Бувимнига меҳмонга

бордим. Бувим гўштли бўғирсоқ билан меҳмон қилдилар. Улар жуда мазали эди. Бувимдан гўштли бўғирсоқ пиширишни ўрганиб олдим”.

“Аввал йўлбарслар фақат сариқ қора чизиқли бўлишади, деб ўйлардим. Тошкентда зоопаркка бордим. У ерда тирик йўлбарсларни кўрдим. Йўлбарсларнинг оқ рангли ва қора чизиқлар билан ҳам бўлишини билиб олдим”.

“Инсоният тарихи ноёб истеъодд эгалари амалга оширган буюк ўзгаришлар ва қашфиётлар тарихи бўлиб қолмоқда”. Нима қилиш керак? Нима қилиш мумкин бўлса ҳамма нарсани. Ҳеч бўлмаса бирор нима. Шунчаки ҳеч нима қилмасдан ўтириб бўлмайди. Агар бирор нарсада хато қилинса, ҳамма нарсани бошидан бошлаш керак. Яна нимадир қилиш керак. Агар ҳамма ноаниқликларнинг ўз-ўзидан ечилишини кутиб ўтирилса, жуда кеч бўлиши мумкин.

### Сурат билан сұхбат



### Мустақил иш мавзулари

1. Илмий тадқиқотнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили

2. Индивидуал илмий тадқиқотлар
3. Реферат ёзиш қоидалари
4. Монография ёзиш қоидалари
5. Мақола ёзишнинг оптимал усуллари
6. Диссертация ёзиш усуллари
7. Авторефератни расмийлаштириш қоидалари
8. Устоз-шогирд тизими ҳақида тушунча
9. Ҳамкорликдаги илмий тадқиқотлар
10. Бадиий ижод ижтимоий онгнинг маҳсус шакли
11. Бадиий ижод билан боғлиқ илмий тадқиқотлар
12. Замонавий илмий тадқиқотлар концепциялари

### **Эссе учун мавзулар**

1. Энг катта бойлик ақл-заковат ва илм, энг катта мерос яхши тарбия, энг катта қашшоқлик билимсизликдир ...
2. Истеъдод даҳолик томон ташланган илк қадамдир ...
3. Кун кўриш керак эмас, яшаш керак ...
4. Ёшларга имтиёзлар берилиши керак (ми)...
5. Тарих айланади ...
6. Ҳаётингда маҳкам тутадиган энг ажойиб ҳикмат – сен ҳақингда айтиладиган гапларга аҳамият бермаслигингдир ...
7. Кўчирмачилик иллати ....
8. Илмфурӯшлик ...
9. Ҳамкорликдаги илмий тадқиқот ...
10. Бадиий ижод билан боғлиқ илмий тадқиқотлар ...
11. Импровизация ...
12. Замонавий илмий тадқиқотлар концепциялари

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Балацкий Е. Формирование “диссертационной ловушки” // Свободная мысль. – Москва: 2005. № 11.
2. Баскаков А.Я., Туленков Н.В. Методология научного исследования: Учебное пособие. – Киев: МАУП, 2019. – 180 с.
3. Бобкова О., Давыдов С., Ковалева И. Плагиат как гражданское правонарушение // Журнал Патенты и лицензии. – № 7. – Москва: 2016.
4. Волков Ю. Диссертация: подготовка, защита, оформление. – Москва: Гардарика, 2002.
5. Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: ТМИ, 2004.
6. Добреньков В., Осипова Н. Методология и методы научной работы. – Москва: КДУ, 2012. – 230 с.

7. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.
8. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.
9. Криврученко В. Научные школы эффективный путь проведения диссертационного исследования // Знание. Понимание. Умение. – Москва: 2007.
10. Кузин Ф. Методика написания диссертации, правила оформления и порядок защиты. Практическое пособие для аспирантов и соискателей ученой степени. – Москва: Ось-89, 2004. – 224 с.
11. Қодиркул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: Наврўз, 2015.
12. Лапыгин Ю. Диссертационное исследование магистранта, аспиранта и докторанта. – Москва: Литрес, 2017. – 612 с.
13. Магистерская диссертация: методы и организация исследований, оформление и защита: учебное пособие / коллектив авторов. Под ред. В.И. Беляева. – 2-е изд., перераб. – Москва: КНОРУС, 2020. – 210 с.
14. Мац Л., Масликова О. Рекомендации по оформлению диссертации. Практическое руководство для аспирантов и соискателей ученых степеней. – СПб., 2005. – 28 с.
15. Павличенко Н. Диссертационное исследование: технологии подготовки. Монография. – Москва: Издательство Проспект, 2019. – 266 с.
16. Райзберг Б. А. Диссертация и ученая степень. Пособие для соискателей. – Москва: Инфра-М, 2007. – 428 с.
17. Сабитов Р.А.Основы научных исследований: Учеб. пособие / Челяб. гос. ун-т. – Челябинск: 2020. – 160 с.
18. Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 132 б.
19. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.
20. Угрюмова М. Магистерская диссертация. Учебно-методическое пособие. – Нижневартовск: Изд-во Нижневартовского государственного университета, 2013. – 90 с.
21. Чернявская В. Плагиат как социокультурный феномен // Известия Санкт-Петербургского университета экономики и финансов. – 2011. – № 3. – С. 26-31.
22. Черняевская В. Научный дискурс: выдвижение результата как коммуникативная и языковая проблема. – Москва: УРСС, 2017.
23. Шахрай С., Аристер Н. О плагиате в диссертациях на соискание ученой степени / Отв. ред. М.Кантор. – Москва: МИИ, 2015. – 192 с.

## **6-мавзу. Илмий тадқиқот типлари**

1. Илмий тадқиқот типларининг таснифи: фундаментал тадқиқотлар ва уларда воқелик ҳодисалари ва қонунлари ҳақида янги билим олиш имконияти
2. Амалий тадқиқотлар ва уларни молиялаштириш имконияти
3. Тадқиқотчилик лойиҳа конструкторлик ишланмалари: (мутлақо маҳфий тадқиқотлар)
4. Инновацион тадқиқотлар
5. Ёшларнинг фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалари
6. Халқаро жамғармаларнинг илмий лойиҳалари ва уларда иштирок этишнинг аҳамияти
7. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий лойиҳалари
8. Фундаментал, амалий, инновацион тадқиқот ишланмаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи
9. Фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқадорлиги
10. Илмий билишнинг ўсиш қонуниятлари
11. Фаннинг ўсиш нуқталари
12. Илмий тадқиқотда ворисийлик ва новаторлик

### **Таянч сўзлар:**

илмий тадқиқот, тадқиқотчи, тадқиқот типлари, фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар, тадқиқотчилик лойиҳа конструкторлик ишланмалари, инновацион тадқиқотлар, халқаро лойиҳалар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий лойиҳалари, фан, ишлаб чиқариш, ворисийлик, новаторлик

### **Мунозара учун саволлар**

1. Илмий тадқиқотнинг қандай типлари мавжуд?
2. Фундаментал илмий тадқиқотларнинг фан учун аҳамияти қандай?
3. Илмий тадқиқот қандай молиялаштирилади?
4. Олимлар грант лойиҳалари ҳисобидан кун кечирадими?
5. Амалий тадқиқотлар кимлар томонидан амалга оширилади?
6. Ихтиро ва кашфиётлар илмий тадқиқотларда қандай намоён бўлади?
7. Америка кашф этилган. Қайтадан американни кашф этиш керакми?
8. Илмий тадқиқотлар учун тадқиқотчининг ёши эътиборга олинадими?
9. Инновацион тадқиқотларнинг қандай афзалликлари бор?
10. Ёшларга илмий тадқиқот лойиҳалари бўйича қандай имтиёзлар берилган?

11. Халқаро илмий жамғармаларнинг Ўзбекистонда илмий тадқиқот ишларига рағбат кўрсатишидан мақсад нима?

12. Илмий тадқиқотда ворисийлик ва новаторлик қандай мужассам бўлади?

### **Креатив методлар. Ассисмент (баҳолаш) методи**

Магистрларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини тъминловчи топшириқ бўлиб, бу методнинг мақсади магистрларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш ва уларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиласиган истиқболли режа (мақсадли дастур)ни шакллантиришdir.

### **Қизиқарли бошқотирма саволлар**

Илмий тадқиқот ишларида муваффақиятга эришишни истайсизми?  
У ҳолда ўзингизга тўртта савол беринг:

*Нимага?*

*Нега шундай бўлмасин?*

*Шуни мен қилсан-чи?*

*Ҳозирнинг ўзида қилсан-чи?*


**P.S.** Инсон ташқаридан жуда катта босимга учраган ҳолатда ҳам ўзида бошқалар учун, ўзгаларнинг дарди билан яшайдиган шахс сифатларини сақлаган бўлса, ўз ҳаётини енгиллаштириб, инсонийлик қиёфасини сақлаб қолади. Фикрни таҳлил қилинг

*Дунё аҳлининг неча фоизи чапақай?*

*Ҳеч ким жавоб топа олмайдиган савол кимдан чиқади?*

Мунтазам бўлмаган аналитик фаолият ва шахслараро кўникмалар ҳозир ҳам, келажакда ҳам керак бўлади. Вазиятга қараб ўзгариб турадиган креатив фикрлаш муҳим. Қийин вазиятлар воқеалар ривожини кузатиш, таҳлил қилиш, маълумотларни қайта ишлаш, хулоса чиқариш, қарор қабул қилиш, масъулият ҳиссини туйиш каби танқидий фикрлашга ўргатади. Инсон жамоа бўлиб яшайди. Мулоқот билан боғлиқ касблар кўпайиб, яккаланган касбларга эҳтиёж қолмаяпти. Улар кейинчалик йўқ бўлиб кетади. Дастроҳдаги устанинг, call-марказидаги операторнинг ўрни ҳеч қачон бўш қолмайди. Яқин йилларда уларнинг жойини сунъий интеллект ёхуд ақлли роботлар эгаллайди. Муаммо шундаки, робот бошқалар билан алоқага кириша оладиган ва келишиб ишлай оладиган хушмуомала инсоннинг ўрнини боса олмайди. Фикрни таҳлил қилинг

## Сурат билан сұхбат



## Мустақил иш мавзулари

1. Илмий тадқиқот ҳақида түшунча
2. Фундаментал тадқиқотлар
3. Амалий тадқиқотлар
4. Тадқиқотчилик лойиха конструкторлык ишланмалари
5. Инновацион тадқиқотлар
6. Ёшларнинг фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалари
7. Халқаро жамғармаларнинг илмий лойиҳалари
8. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий лойиҳалари
9. Фундаментал, амалий, инновацион тадқиқот ишланмаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи
10. Фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқадорлиги
11. Илмий билишнинг ўсиш қонуниятлари
12. Илмий тадқиқотда ворисийлик ва новаторлик

## Эссе учун мавзулар

1. Ўйлаш осон, ҳаракат қилиш қийинрөқ, ўй-фирклардан амалга ўтиш энг қийини ...
2. Тақдирни ҳар қуни юз марталаб қабул қилинадиган кичкина ва аҳамиятсиз қарорлар белгилайди ...
3. Кимлигингни бошқалардан қўра ўзинг яхшироқ биласан...
4. Билим олиш учун билим билан кириш керак, имтиёз билан эмас ...
5. Одам боласи яралгандан то қиёмат қадар туйғулари ўзгармаган ...
6. Ихтиориличик ва даҳолик ҳар бир болада мавжуд ...
7. Томчи тошни тешади ...

8. Илмнинг йўли ...
9. Фан ва ишлаб чиқариш муштарак бўлса ...
10. Инновацион тадқиқотлар амалиётга фаол жорий этилса ...
11. Илмий билишнинг ўсиш қонуни ...
12. Илмий тадқиқотда ворисийлик ва новаторлик уйғунлаш бўлса ...

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Икки жилдлик / Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳли луғатлар муаллифи А.Ўринбоев. – Тошкент: Фан, 1969.
2. Али Заде А. Границы науки: о возможности альтернативных моделей познания. Научно-аналитический обзор. – Москва: ИНИОН, 1991.
3. Альтшуллер Г. Как научиться изобретать. – Тамбов: 2012.
4. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация / Под ред. О.Файзуллаева. – Ташкент: Фан, 2000.
5. Майданов А. Интеллект решает неординарные проблемы /РАН. Ин-т философии. – Москва: ИФ РАН, 1998.
6. Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси. Қайта ишланган нашр. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2005.
7. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O‘zbekiston 2021.
8. Ньютон И. Математическое начало натуральной философии / Пер с лат. и примеч. А.Крылова. – Москва: Наука, 1989.
9. Рўзматзода Қ. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: Наврўз, 2015.
10. Серов В. Энциклопедический словарь крылатых слов и выражений – Москва: Локид Пресс, 2005.
15. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши / Масъул муҳ. Б.Каримов. Муалл. жамоаси Б.Тураев ва бошқ. – Тошкент: Наврўз, 2017.
16. Соифназаров И., Никитченко Г., Касымов Б. Методология научного творчества. Учебное пособие. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2004.
17. Тўраев Б. Вақт муаммолари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986.
18. Тураев Б. Пространство. Время. Развитие. – Ташкент: 1992.
19. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1971.
20. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт. – Тошкент: Фан, 1994.
21. Холмўминов Ж. Фалсафанинг сўниши ёхуд куппа-кундуз куни чироқ ёқаётган одам (сўнгсўз ўрнида) / Н.Жўраев. Тахайюл, тасаввур, тафаккур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.

## **7-мавзу. Илмий тадқиқотда муаммо ва муаммоли вазиятнинг ўзаро алоқаси**

1. Муаммо тушунчаси ва унинг моҳияти
2. Муаммо ва метод уйғунлиги. Муаммо ва масаланинг алоқаси ва фарқи. Катта, мухим ва иккинчи даражали муаммолар
3. Муаммонинг шакллари. Хусусий муаммолар
4. Мавзуни танлаш муаммонинг түғри ечими, илмий фаолият амалий натижасининг кафолати
5. Илмий муаммоларнинг намоён бўлиш усуллари: предметга ва процедурага доир муаммолар
6. Диссертацияни тайёрлашда билимнинг аҳамияти
7. Илмий муаммоларни бошқа муаммолардан фарқловчи асосий белгилар
8. Муаммоли вазият ва унинг аҳамияти. Муаммо ва илмий тадқиқот уйғунлиги
9. Муаммони қўйиш ва унга ечим топишнинг асосий босқичлари

### **Таянч сўзлар:**

муаммо, билим, савол, масала, метод, мухим иккинчи даражали, хусусий, умумий, энг умумий, илмий, замонавий муаммолар, илмий фаолият, ечим, муаммоли вазият, илмий тадқиқот, илм-фан тараққиёти, глобал муаммолар ечими


### **Мунозара учун саволлар**

1. Муаммо қандай пайдо бўлади?
2. Муаммо билан саволнинг фарқи нимада?
3. Муаммонинг келиб чиқишига сабаб нима?
4. Муаммонинг инсон ҳаётига таъсири қай даражада?
5. Муаммонинг ечими янги муаммоларга сабаб бўлиши мумкинми?
6. Муаммо билан муаммоли вазиятнинг қандай ўхшашлиги бор?
7. Муаммолар қандай бартараф этилади?
8. Замонавий, бутун дунёдаги таълим ва тарбия тизими нотўғри, дебайта оласизми?
9. Муаммо тадқиқотчининг илмий фаолиятига қандай таъсир кўрсатади?
10. Илмий муаммоларни бартараф этишнинг оқилона йўли нима?
11. Муаммонинг түғри қўйилиши ечим топилишига асос бўла оладими?
12. Муаммони бартараф этишда билимнинг ўрни қандай?

## Креатив топшириқлар

Яхии раҳбар қўй остидагиларининг ўз ишини ўзи кутгандан ҳам анча яхии бажара олиши учун уларда ўзлари ўйлагандан ҳам кўп қобилият борлигини тушунишиларига ёрдам беради. Танқид, кўпинча, тушунмовчилик, ортиқча оворагарчиллик, муаммоли вазиятга олиб келади. Сизнингча, яхии раҳбар қандай бўлиши керак?

### Сурат билан сұхбат



### “Контент таҳлил” методи

“Контент таҳлил” (инг. contents – мазмун) манбада акс эттирилган матн мазмунини сифатий ва миқдорий таҳлил қилиш, матнда учрайдиган хилма-хиллик (иккимаънолилик, коллизия, парадокслар, тушунча) манбанинг абстракт моделини яратиш, тугал мазмунни аниқлаш усули бўлиб, магистрлар матн мазмунни билан индивидуал ҳолда танишиб, улар орасидан мавзуга оид тушунарли ва нисбатан тўлиқ тасаввур бера оладиган қисмни аниқлашлари талаб этилади. Жавоблар асосланади. Қўйида берилган матнни “контент таҳлил” усулида кўриб чиқиб, ўзингиз учун муҳим қисмларни белгиланг

**Муаммони бартараф этишда ҳар бир тадқиқотчи билиш шарт  
бўлган қоидалар**

Ҳар қандай муаммонинг ечими бор ва муаммо ўз ечимини топиши керак

Муаммо туфайли яшашда маъно бор

Муаммо инсонда танқидий тафаккур ҳамда тизимли таҳлил қобилиятини шакллантиради

Ҳар қандай муаммо инсоннинг муваффақияти ва юксалиши учун “нарвон” вазифасини ўтайди

Муаммо вазиятни баҳолаш, вазиятдан чиқиш, ҳаётга мослашиш каби кўникмаларни ривожлантиради

Муаммо эҳтиёж ва қадриятларга муносабатни ўзгартиради, қийинчиликларни енгишга ўргатади

Муаммо инсон ҳаётининг ажралмас қисми, инсонни эртанги қунга ишонч руҳини тарбиялайди

Мавжуд муаммо тўғри англаниб, вақтида бартараф этилса, янги муаммоларнинг вужудга келишига имкон бермайди

Муаммоли вазиятларни илмий тадқиқот ишига йўналтирилса, муаммони чуқур таҳлил қилиш, янги услугуб ва усуллар топиш, масаланинг моҳиятига етиш осонлашади

Муаммо қўя билиш санъатдир

Муаммо инсонга турлича таъсир қўрсатади, масала муаммога қайси призма орқали қарашга боғлиқ. Муаммо ижодий камолот қалити, касбий яратувчанлик стимулидир

Муаммо инсонларни ўзаро яқинлаштиради, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чорлайди

Илмий тадқиқотда вазиятни таҳлил қилиб муаммо нимада эканини аниқ кўра билиш керак

Режа тузиш муаммони кичик қадамлар билан ҳал этишга имкон яратади

Ресурларни ишга солиш, муаммони бартараф этишга қодир ҳамкаслар, устозларнинг йўл-йўриклари катта фойда беради

Муаммога табассум қилиш лозим. “Пашша”дан “фил” ясаш эмас, муаммони бартараф этиш йўллари изланса, ечим ўз-ўзидан келади

Хатолардан сабоқ олиш

Муаммо инсоннинг ўз устида ишлашига энг катта илҳом манбаидир

Муаммо ҳал етилиши билан янги муаммо пайдо бўлади. Ҳаёт давом этади

Муаммо тафаккурни чархлайди, билимларни оширишга рағбат беради, тизимли таҳлилга ўргатади ва креативликни ривожлантиради

Муаммо инсон имкониятларининг чексизлигини қўрсатади. Комфорт зонадан чиқиш ва энг қийин шароитда ҳам яшаб қолиш инстинктини кучайтиради, бўшанг ва иродасиз инсонни матонатли қиёфада намоён этади. “Пўлат қандай тобланди?” Муаммоларни битта битта ҳал этиш йўли билан

Муаммолар мақсад сари интилишга чорлайди. Муаммо бўлмаса, ҳаёт зерикарли бўлади

Муаммо сабр, шукр каби туйғуларни жиловлашга ўргатади

Муаммо мослашувчанлик, ўсиш, юксалиш ва олий мақсадларга чорлайди

Муаммо инсон тафаккурининг очилмаган қирраларини кашф этади. Муаммога турли таҳлил призмасида қарашиб альтернатив қарорлар қабул қилиш, оқилона йўл топиш ва ақлирасоликка ўргатади

Муаммо ўзликни англаш ва ўз-ўзидан қониқмаслик ҳиссини оширади. Муаммонинг сабаби инсоннинг ўзида эканини англашни ўргатади

Муаммони бошқариш санъати унинг тўғри ечимиға олиб боради

Муаммони ўйлаб сиқилиш эмас, нима қилиш кераклигини обдон таҳлил қилиш энг тўғри йўлдир

Муаммо ўз устида ишлаш, тил ўрганиш, белгиланган вазифани адод этиш, вақтни тўғри тақсимлашга ўргатади.

Инсон ўзига тегишли муаммони ҳал этса, жамиятдаги муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Муаммонинг фалсафий таҳлили
2. Муаммоларнинг турлари ва даражалари
3. Муаммонинг моҳияти ва мазмуни
4. Глобал муаммолар
5. Илмий муаммолар
5. Муаммоларни бартараф этиш йўллари ва воситалари
7. Муаммонинг “румийча” ечими
8. Муаммосиз яшаш шартлари
9. Шахслараро муносабатларда муаммонинг ечими
10. Муаммо – тараққиётни ривожлантирувчи омил
11. Муаммоли вазият ва унинг аҳамияти
12. Муаммо ва илмий тадқиқот уйғунлиги

### **Эссе учун мавзулар**

1. Муаммо бўлмаганида ...
2. Кўпайтириш жадвали ва оғзаки ҳисоб қалькуляторлар пайдо бўлгандан бери ўз аҳамиятини йўқотди ...
3. Ҳеч нарса тиришқоқликнинг ўрнини боса олмайди ...
4. Инсон ҳамиша фояга интилиб яшайди ...
5. Дунё – улкан уммон. Муаммо уммоннинг улканлигига ...

6. Қобилият эгасининг бошини силамаслик золимлик, истеъдоди йўқни тарбиялаш жоҳиллиқдир ...
7. Фикрнинг аниқлиги ифоданинг аниқлигига замин яратади ...
8. Математик қобилиятнинг ўзигина етарли эмас – кучли тасаввур ва интуиция ҳам керак ...
9. Муаммо менинг тақдиримда ...
10. Ижтимоий муаммолар ўзгарувчан характерга эга ...
11. Муаммонинг ечими ...
12. Илмий тадқиқотдан мақсад фандаги муаммони бартараф этиш ...

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: ТМИ, 2004.
2. Исламджанова Х. Основы научных исследований. – Тошкент: 2009.
3. Қодирқул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: 2015.
4. Лешкевич Т. Неопределенность в мире и мир неопределенности. – Ростов-на-Дону, 1994. – 142-154-б.
5. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3775-сонли Қарор. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 5 июнь.
6. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ахборот технологиялари, 2014.
7. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ношир, 2020.
8. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.
9. Баскаков А., Туленков Н. Методология научного исследования: Учебное пособие. – Киев: МАУП, 2019. – 180 с.
10. Сабитов Р.А.Основы научных исследований: Учеб. пособие / Челяб. гос. ун-т. – Челябинск: 2020. – 160 с.
11. Очилов Б.Э. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Ташкент: ТашГИВ, 2019. – 160 с.
12. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.
13. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.

## **8-мавзу. Даил – илмий муаммони ечиш омили**

1. Талқин қилиш далилнинг мухим унсури
2. Даилнинг моддий-техник ва методик жиҳати
3. Эмпирик далилнинг хоссалари: кузатиш ва эксперимент, билиш амаллари
4. Илмий далилнинг тавсифи ва хоссалари
5. Илмий далилнинг структураси
6. Илмий далилларни аниқлаш усуллари
7. Даилларнинг илмий билишдаги аҳамияти ва имтиёзли даиллар
8. Илмий билимлар ривожида фан ва далилни умумлаштиришнинг аҳамияти

### **Таянч сўзлар:**

талқин қилиш, интерпретация, далиллаш, кузатиш, эксперимент, эмпирик далил, илмий далил, имтиёзли далил, илмий билим

### **Мунозара учун саволлар**

1. Талқин қилиш нима?
2. Талқин қилишнинг мантиқий далиллаш билан қандай алоқадорлиги бор?
3. Даил нима?
4. Даилнинг мухим унсури нима?
5. Даилнинг моддий-техник жиҳати нима?
6. Даил қандай методга таянади?
7. Эмпирик далил қандай хоссаларга эга?
8. Кузатиш нима?
9. Эксперимент нима?
10. Илмий далил қандай тавсифланади?
11. Илмий далилнинг структураси нималардан ташкил топган?
12. Илмий далиллар қандай усуллар орқали аниқланади?

**Ҳам илмий, ҳам тушунарли, ҳам ўқимишли, ҳам далилларга асосланган, ҳам мазмунли мақола ёзишининг ... креатив усуллари**



1. Аниқ режа тузиш
2. Тизимли таҳлил қилиш лаёқатини эгаллаш
3. Мавзуга қўл уришдан аввал етилган фикр, объектив муносабат, ёрқин қараш ва таассуротга эга бўлиш
4. Сўз бойлиги, синоним ва омонимни тўғри қўллаш
5. “Паразит” сўзлардан холи бўлиш

6. Иқтибосдан ўринли фойдаланиш
7. Факт ва маълумотларнинг ишончлилигини текшириш
8. Бадиий ифода ва муболағадан воз кечиш
9. Фикрни далиллаш ва муносабатни баён қилиш кўникмасига эга бўлиш
10. Мулоҳаза, тавсиф, умумлаштириш, далиллаш каби ҳар қандай илмий методдан унумли фойдаланиш
11. “Ўхшамади”. “Ўхшамаяпти”. “Сира ўхшамади”. “Саал ўхшади”. “Ўхшади”. Мақола “ўқимишли” чиқиши учун қайта-қайта ёзишдан тўхтамаслик
12. Хато ҳаммада бўлади, хатони тузатса бўлади. Муҳими, хато бўлса ҳам ёзишга интилиш
13. Муаммо ёки мавзуни аниқлаш – мавзу ҳақида фикрлаш – режалаштириш – ёзиш – текшириш – тузатиш киритиш ва тўлдириш. Шу стилда ишлаш
14. Мақолани кириш, асосий қисм ва хulosага ажратиш, вақтни тежаш
15. Тезис – мақолада илгари суриладиган энг қайноқ қараш ёки оригинал аргументлар. Тезис муаллифнинг кимлигини кўрсатади
16. Мақола ёзишдан олдин мавзуни атрофлича ўрганиш
17. Муаммонинг моҳиятини қисқача баён қилиш, факт ва далиллар келтириш
18. Иқтибосларнинг аниқлигига диққат қаратиш
19. Ортиқча сўз, атама, ибора, юк ташимайдиган (“шунингдек”, “шу билан бирга”, “шуни алоҳида таъкидлаш лозимки”, “айтиб ўтиш жоизки”, “ҳаммамизга маълумки”, “олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида”, “кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда”) ифодалардан воз кечиш
20. Сўз такоридан қочиш. Содда ва қўшма гаплардан аралаш фойдаланиш
21. Оригинал услуб ва креатив индивидуалликни шиор қилиш
22. Ясама ифодалардан воз кечиш, умумий, тахминий фикрни айтмаслик, шунчаки матн ясашга уринмаслик
23. Айтадиган аниқ сўз, янгилик, далил топиш
24. Мақолани овоз чиқариб ўқиши орқали имловий хатолар ва фикрий ғализ ифодаларни бартараф этиш
25. Мақолани бир неча марта, қамида уч марта “тозарган” мия, янгиланган қараш билан таҳрир қилиш. Олдин кўрмаган хато ва камчилик, жумлалардаги ғализликдан халос бўлиш
26. Фикрни қисқа, лўнда ва аниқ ёзиш
27. Мақола ёзишда учрайдиган хатолар: ортиқча жимжимадорлик, бадиий бўёқдорлик, баландпарвозлик, мавзуни яхши билмаслик, факт ва маълумотлардаги хатоликка йўл қўйиш, текширилмаган

ёки ишончсиз манбалардан олинган фактлардан фойдаланиш, мақолага алоқаси йўқ ёки уни қувватлантирмайдиган далиллар келтириш, шахсий муносабат йўқлиги, сўз, жумла ва иборани қайтариш, тавталогияга йўл қўйиш, мантиқий кетма-кетликни бузиш, фикр тарқоқлиги, мавзудан четга чиқиш, хулоса бермаслик, матнда олдин айтиб ўтилган фикрларни шунчаки қайтариш, кўчирмакашлик қилиш, плагиатлик, бирорнинг меҳнатини ўғринча ўзлаштириш

28. “Зўр” мақола ёзишининг олтин қоидаси: билим, тажриба, сўз бойлиги, ифода қобилияти, мавзуга доир манбаларни синчиклаб ўқиши, ҳеч ким қўл урмаган “теша тегмаган” мавзуни танлаш, ортиқча маълумотни олиб ташлаш, факт ва рақамлар, далилларнинг аниқлигига эътибор бериш, манбани осмондан олмаслик: олимларнинг фикрича... қайси олим? Манбаларда келтирилишича ... қайси манбада? Эга аниқ бўлсин.
29. Кўп ёзиш, “хўб” ёзиш, асосийси изланишдан эринмаслик. Ҳеч ким онадан “олим” бўлиб туғилмаган. Тажриба, кўникма, малака учун вақт керак
30. Танқиддан қўрқмаслик, танқид келажак меваси

### **Сурат билан суҳбат**



### **Креатив топшириқлар**

*Буюк етакчининг ўйлаган мақсадини амалга ошириши журъати кучли ички жўшиқинлиги ва мақсад сари интилишидан келиб чиқади, мансаби, шаҳжараси, лавозимидан эмас.*

*Муваффақиятга эришиш учун атиги икки қадам ташлаш кифоя: аслида нимани истаётганини аниқ белгилаш, сўнг шуларнинг ҳаммаси учун талаб қилинадиган “бадал”ни тўлаш*

### **Тезкор ва қизиқарли саволлар**

1. Давлатнинг барча қуролли кучларининг жамланмаси нима деб аталади?
2. Бир тушунча бир вақтда ҳам тўғри, ҳам нотўғри бўлиши мумкинми?
3. Кўп нарсани “биламан” деб тинмай гапиравчи, аслида ҳеч нарсани билмайдиган, аравани қуруқ олиб қочувчи ким?
4. Чинорнинг бўйини қандай қилиб ўлчаш мумкин?
5. Ўзбекистон Республикасининг майдони қанча?
6. Тўқ сариқ рангли, териси юпқа, меваси хушбўй цитрус ўсимлик номи нима?
7. Гўшт тоғ тепасида тез пишадими ёки тоғ этагидами?
8. Жуда кичик, митти одамлар қандай аталади?
9. Онасининг синглиси ёки опаси нима деб аталади?
10. Оламда тўртта нарса йўқ. Улар қайсилар?
11. Нима учун инсон орқасига ўгирилиб қарайди?
12. Энг қийин иш нима?

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Талқин далиллашнинг муҳим унсури
2. Талқин герменевтиканинг асосий тамойили
3. Математик талқин асослари
4. Даилининг моддий-техник ва методик жиҳатлари
5. Фалсафий интерпретация муаммолари
6. Тасаввубий истилоҳлар интерпретацияси
7. Муқаддас китоблар шарҳида талқиннинг ўрни
8. Эмпирик далилнинг хоссалари
9. Илмий далилнинг тавсифи ва хоссалари
10. Даилиларнинг илмий билишдаги аҳамияти
11. Даилиллашнинг мантиқий асослари
12. Илмий далилларни аниқлаш усуллари

### **Эссе учун мавзулар**

1. Олий маълумотлилар “моддий” қашшоқлигининг сабаби ...
2. Тараққиётни тўхтатиб бўлмайди ...
3. Инсон фақат ўзига ўхшаган одамларнигина тушунади ...

4. Фавқулодда даъволар фавқулодда далилларни талаб қиласи ...
5. Инсон оламни қисмларга бўлар экан, нафақат илоҳий, инсоний қонунларни ҳам англашдан тўхтайди ...
6. Ўзгача тафаккур тарзи – тизимли тафаккурдир ...
7. Соғлом тафаккур ...
8. Ўринсиз далиллаш ...
9. “Этос”, “пафос” ва “логос” муштараклиги ...
10. Илмий тадқиқотлар далилларга асосланади ...
11. Идеалликка интилиш ...
12. Ортиқчаси ортиқча ....

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Fisher W.R. Technical Logic, Rhetorical Logic and Narrative Rationality. –Argumentation, 1987, v. 1, n. 1.
2. Алексеев А. Аргументация. Познание. Общение. – Москва: 1991.
3. Болдин, А.П., Максимов М. Основы научных исследований. – Москва: Издательский центр Академия, 2019. – 336 с.
4. Ивин А. Основы теории аргументации. – Москва: 1997;
5. Ивлев Ю. Логика. – Москва: 1997;
6. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.
7. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.
8. Курбатов В. Социально-политическая аргументация: логико-методологический анализ. – Ростов-на-Дону, 1991;
9. Қодиркул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: 2015.
10. Очилов Б. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Ташкент: ТашГИВ, 2019. – 160 с.
11. Поваринин С. Спор. О теории и практике спора. – СПб., 1996;
12. Рузавин Г. Логика и аргументация. – Москва: 1997.
13. Рузавин Г.И. Методология научного исследования. – Москва: Прогресс, 1999. – С. 214-215.
14. Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 132 б.
15. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.
16. Философские проблемы аргументации. – Ереван, 1986.
17. Финн В.К. Об одном варианте логики аргументации. – Москва: журнал Научно-техническая информация, 1996. сер. 2. № 5-6;
18. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ношир, 2020.

## **9-мавзу. Илмий мактаб, метод ва методологик ёндашувлар**

1. Илмий мактаб шаклланишининг тарихи, умумий белгилари ва асосий босқичлари. Илмий мактабларнинг типлари. Илмий мактабларнинг шакллари, парадигмал ва локал даражалари. Илмий мактабларнинг классификацияси. Инновацион илмий мактаблар

2. Метод, методология ва методика тушунчаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи. Методларнинг таснифи: фан методлари; фанлараро тадқиқот методлари; хусусий илмий методлар; эмпирик тадқиқот методлари; назарий тадқиқот методлари

3. Тадқиқотнинг умумий мантиқий методлари; фалсафа методлари; ижтимоий-гуманитар фанлар методлари. Ҳозирги замон методологияси

4. Эвристика – янги методологик тамойил. Методологик тамойиллар классификацияси. Табиий объектларнинг хоссалари: субъектив яхлит хоссалар, яхлит хоссалар, метаяхлит хоссалар ва Ад-хок яхлит хоссалар

### **Таянч сўзлар:**

илмий мактаб, парадигмал илмий мактаб, инновацион илмий мактаб, метод, методология, методика, фан методлари, фанлараро тадқиқот методлари, хусусий, илмий, эмпирик тадқиқот, назарий, умумий мантиқий, фалсафий, ижтимоий-гуманитар фанлар методлари, эвристика, яхлит, метаяхлит, Ад-хок яхлит хоссалар

### **Ижодий тафаккур усули**

Ижодий фикрлаш, қизиқарли сюжетлар яратиш фақат санъат ёки ижод билан чекланмайди. Ҳар бир бола ижодий фикрлаш қобилияти билан туғилади, фақат уни ривожлантириш керак. Ижодкорлик инсоннинг энг ноёб қобилиятидир. Ижодий тафаккур бир вазият учун кўплаб жавоб варианtlарини ўйлаб топиш қобилияти ва вазиятни қайта ўрганиш, таваккал қилиш, энг ишонган нарсасидан воз кечиш ва янги стимулларни топиш ва ўрганиш иқтидорини шакллантиради.

Билимнинг ўзи шунчаки ҳеч кимга керак эмас, чунки ҳам билим, ҳам кўникмага эга бўлган одамлар бор. Келажакда айнан шундай одамлар билан рақобатлашишга тўғри келади. Болага ёшлигидан билим бериш, кўникмани шакллантириш, қадриятларни ривожлантириш муҳимдир.

### **Мунозара учун саволлар**

1. Илмий мактаб нима?
2. Илмий мактаб шаклланиши учун қандай омиллар муҳим?
3. Пифагор мактаби ҳақида нималарни биласиз?

4. Афлотун академиясини илмий мактаб деб баҳолаш мүмкінми?
5. Илмий мактаблар қандай асосга кўра тавсифланади?
6. Инновацион илмий мактабнинг оддий мактабдан фарқи нимада?
7. Метод нима?
8. Методология нима?
9. Методларнинг дифференциацияси ва интеграцияси фанларнинг тараққиётига хизмат қиласиди?
10. Ҳозирги замон методологиясининг ўзига хос жиҳатлари қайсилар?
11. Буюк даҳолар учун шароит ва муҳит аҳамиятсиз бўлгани ҳолда цивилизация тараққиётига бемисл ҳисса қўшганлар. Бугунги кунда барча шароит муҳайё бўлгани ҳолда буюк кашфиётлар амалга ошмаётганинг сабаби нима?
12. Эвристика илмий тадқиқот ишида қандай услуб бўлиб хизмат қиласиди?

## **Креатив топшириқлар**

*Даҳо оддий ақл англаб етмаган, илгамаган, ҳатто илгаган бўлса-да, маҳорати, истеъододи камлиги боис очиб бера олмаган воқеликлар тубидаги нарса-ҳодисалар, инсон қалби, руҳияти тубидаги мавҳум, серсир тўлқинлар ва жилгаларни ўзгача қиёфада кўриб, инсон ва олам ҳақидаги масавурларни янги погонага кўтаради. Сизнингча, даҳо бўлиши осонми?*

*Карьера ҳақида ўйлаш ёшликтан мақсад-муddenони пухта режа қилишидан бошланади. Бу қарашни бирор юксак мартабадаги инсон мисолида ёритиб бера оласизми?*

*Олдингизга қўйган мақсадингизга эришишида намуна бўла оладиган муваффақиятли кишилар бўлса, уларнинг ибратли жиҳатлари нималарда кўринади?*

*Ҳар қандай катта мақсад қисмларга ажратиш орқали мураккабликдан соддаликка ўтади. Олдингизга қўйган энг асосий мақсад ва унга эришиши йўлида амалга оширилиши зарур бўлган кичик мақсадни кичик режсаларга бўлмас экансиз, мақсад тирмасиб чиқши имконсиз бўлган “тоз” каби намоён бўлади. Фикрни шахсий тажрибангиз асосида таҳлил қилинг.*




*Қийинчиликлар билан тўқнашмаган инсон куч нималигини билмайди. Мусибат кўрмаган инсонга ботирлик керак эмас. Инсон иродасини тоблайдиган энг аъло фазилатлар айнан қийинчиликларга тўйинган муҳитда шаклланишига ҳаётий мисол келтира оласизми?*

## **Мустақил иш мавзулари**

1. Илмий мактаб шаклланишининг тарихи
2. Илмий мактабларнинг парадигмал ва локал даражалари

3. Илмий мактабларнинг классификацияси
4. Методология фалсафаси
5. Методларнинг таснифи
6. Фан методлари
7. Ҳозирги замон методологияси
8. Эвристика – янги методологик тамойил
9. Методологик тамойиллар классификацияси
10. Табиий объектларнинг хоссалари
11. Илмий мактабларнинг шакллари
12. Тадқиқотнинг умумий мантиқий методлари

### **Сурат билан сұхбат**



### **Эссе учун мавзулар**

1. Донишмандларнинг фикрлари ҳар доим ҳайрат үйғотыб келган ...
2. Тиришқоқлик ва ирода муваффакият калитидир ...
3. Қобилият инсоннинг маънавий қиёфасига хос хислат ...
4. Илмий мактабларнинг бугунги кундаги ҳолати ...
5. Инновацион илмий мактаблар ...
6. Эмпирик тадқиқот методлари ...
7. Назарий тадқиқот методлари ...
8. Эвристика ...
9. Мутолаа энг яхши машғулот ...
10. Фикрлар “етилиб” пишиши учун ...
11. Илмни “ҳазм” қилиш учун ...
12. Нутқ инсон ҳәётининг инъикоси ...

## **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Баскаков А., Туленков Н. Методология научного исследования: Учебное пособие. – Киев: МАУП, 2019. – 180 с.
2. Буш Г. Стратегии эвриологии. – Рига: Общество Знание, Латвия, 1986. – 64 с.
3. Буш Г. Основы эвристики для изобретателей. – Рига: Знание, 1977. – 95 с.
4. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.
5. Канеман Д. Думай медленно ... решай быстро. – Москва: АСТ, 2013. – 625 с.
6. Қодирқул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: 2015.
7. Лакатос И. Фальсификация и методология научно-исследовательских программ. – Москва: Медиум, 1995.
8. Латыпов Н., Ёлкин С., Гаврилов Д. Инженерная эвристика / под.ред. А.Вассермана. – Москва: Астрель, 2012. – 320 с.
9. Лешкевич Т. Неопределенность в мире и мир неопределенности. – Ростов-на-Дону, 1994. – 142-154-б.
10. Михелькевич В., Радомский В. Основы научно-технического творчества. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2004. – С. 320.
11. Петров Ю. Методологические вопросы анализа научного знания. – Москва: Высшая школа, 1977. – 224 с.
12. Пещеров Г. Методология научного исследования. Учебное пособие. – Москва: Институт мировых цивилизаций, 2017. – 312 с.
13. Платон. Теэтет. – Москва: Мысль, 1990.
14. Пойа Д. Как решать задачу. – Москва: Учпедгиз, 1961. – 206 с.
15. Пушкин В. Эвристика наука о творческом мышлении. – Москва: Политиздат, 1967. – 272 с.
16. Ушаков Е. Философия и методология науки. – Москва: Юрайт, 2017. – 392 с
17. Филатов, Д. Общая методология. – Саратов: ООО Издательство Научная книга, 2014.
18. Хоторской А. Дидактическая эвристика. Теория и технология креативного обучения. – Москва: Изд-во МГУ, 2003. – 416с.
19. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ношир, 2020.
20. Уилсон М. Американские учёные и изобретатели. – Москва: Знание, 1975. – 136 с.
21. Ушаков Е. Введение в философию и методологию науки. - 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Кнорус, 2008. – 592 с.

## **10-мавзу. Интеллектуал мулк хуқуқи: инновация ва новациялар, кашфиёт ва ихтиро, интеллектуал мулк ва патент тушунчаларининг мутаносиблиги**

1. Инновация тушунчасининг таҳлили ва турлари
2. Педагогик инновациялар. Инновацион мактаб мезонлари. Инновацияларнинг таснифи. Инновация янги илмий техник ютуқлардан самарали фойдаланиш воситаси
3. “Новатея” янги илмий ғоядаги “эскилик” элементи. Илмий фаолиятда инновация ва новацияларнинг ўрни
4. “Кашфиёт”, “Ихтиро” тушунчаларининг инновацион характери. Илмий кашфиётларнинг таснифи
5. Ихтиро – кашфиёт ва инновация ўртасидаги ўзига хос “оралиқ” ҳолат. Кашфиёт ва ихтиро – ижодий фаолият натижаси
6. Инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлар ва ихтиrolар таснифи.
7. Интеллектуал мулк тушунчасининг тавсифи. Муаллифлик хуқуқининг йўналишлари
8. Патент – олим илмий кашфиёти ёки ихтиросининг тан олинганилиги ҳақидаги гувоҳнома

### **Таянч сўзлар:**

инновация, педагогик инновация, инновацион мактаб, “новатея”, новация, кашфиёт, ихтиро, интеллектуал мулк, олим, патент, муаллифлик хуқуқи

### **Мунозара учун саволлар**

1. Инновация нима?
2. Педагогик инновация деганда нимани тушунаси?
3. Инновацион мактабларнинг оддий мактаблардан фарқи нимада?
4. Педагогик инновациялар қандай мезонга асосланади?
5. Янги илмий техник ютуқларга эришишда инновацияларнинг ўрни қандай?
6. “Новатея” эскиликнинг янгича талқиними?
7. Новациялар келажак тараққиётининг омили бўла оладими?
8. Инновация ва новация ўртасидаги фарқ нимада?
9. Муаллифлик хуқуқининг қандай йўналишлари бор?
10. Ихтиро қандай кашф этилади?
11. Илмий кашфиётлар қандай тасниф этилади?
12. Кашфиёт ва ихтиrolар ижодий фаолият натижаси бўлиши учун нима қилиш керак?

## **Креатив топшириқлар Ақл машқи**

*Гоя танланг. Уни ҳаётиңгиз мазмунига айлантиринг, у түғрида үйланг, уни орзу қилинг, уни деб яшанг. Миянгиз, мушакларингиз, асабларингиз, танангизнинг ҳар бир қисми шу гоя билан тұлсын. Бошқа гоялар айланиб үтсін. Муваффақиятга йўл шундан иборат – шу тариқа улкан шахслар шакланади.*

*Ақл ва донолик инсонга унга зарур бўлмаган вақтда ва ёшида насиб этади.*

### **“Кластер” (ғунча, боғлам) методи**

“Кластер” методи ихтиёрий муаммолар хусусида эркин, очик үйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратади. Бу метод аниқ обьектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли бўлиб, инсон мия фаолиятининг ишлашни тезлаштиради. Магистрлар мавзуни чукур ва пухта ўзлаштиришлари, фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлайди:

**Тезис:** Нотўғри йўлдан юргурган ғалабадан олислаб кетади. Тўғри йўлдан одимлаган муваффақиятга тезроқ эришади.

### **Мустақил иш мавзулари**


1. Инновация ҳақида тушунча
2. Педагогик инновациялар
3. Инновацион мактаб мезонлари
4. “Новатея” фалсафаси
5. Ихтиро – кашфиёт ва инновация ўртасидаги ўзига хос “оралиқ”
6. Кашфиёт ва ихтиrolар ижодий фаолият натижаси
7. Инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлар
8. Интеллектуал мулк тушунчаси
9. Муаллифлик ҳукуқи
10. Патент тушунчаси
11. Илмий кашфиётлар таснифи
12. Юксалиш мактаблари – илк инновацион мактаблар

### **Эссе учун мавзулар**

1. Тўсиқ инсон ўз мақсадидан чекинганда кўзи биринчи бўлиб тушадиган муаммони ечиш калити ...
2. Ҳар қандай ютуқ синаб кўришга жазм қилишдан бошланади ...
3. Мақтаниш учун билим олиш ...

4. Орзуйимдаги инновацион мактаб ...
5. Илҳом сотилмайды ...
6. Буюк ақл эгалари буюк мақсад билан яшайды ...
7. Фикрлашни ўрганиш меҳнатни талаб этади ...
8. Ақлнинг бебаҳо афзаллиги янгиликка интилувчанлигига ...
9. Ақл билан фикрлашнинг фарқи ...
10. Китоб ўқиши янги оламларни очиб беради ...
11. Нуқсонларнинг кўпайишида ҳам яхшилик бор ...
12. Унвонларни шахслар беради, ақлни эмас ...

### **Сурат билан сұхбат**



### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Joseph E. Stiglitz. People, Power, and Profits: Progressive Capitalism for an Age of Discontent / Джозеф Э. Люди, власть и прибыль. Прогрессивный капитализм в эпоху массового недовольства пер. В.Ионов; научный редактор Н.Злобин. – Москва: Альпина Паблишер, 2020. – 430 р.
2. Marcy A. Kelly, Pryce L. Haddix. The fundamentals of Scientific Research: An Introductory Laboratory Manual, Hoboken, New Jersey: “John Wiley & Sons, Inc.” – Р. 208.
3. Бабкин С. А. Интеллектуальная собственность в Интернет. – Москва: АО Центр ЮрИнфоР, 2006. – 512 с.
4. Болдин, А., Максимов М. Основы научных исследований. – Москва: Издательский центр Академия, 2019. – 336 с.

5. Дозорцев В. Интеллектуальные права: Понятие. Система. Задачи кодификации. Сборник статей / Исследовательский центр частного права. – Москва: Статут, 2005.
6. Друкер П. Бизнес и инновации. – Москва: Вильямс, 2007. – 432 с.
7. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.
8. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.
9. Исламджанова Х. Основы научных исследований. – Тошкент: 2009.
10. Кирьяков А. Воспроизведение инноваций в рыночной экономике (Теоретико-методологический аспект). – Ростов-на-Дону: Изд-во РГУ, 2000.
11. Ковылин Ю. Философия научно-инновационной деятельности. – Москва, Академический проект, 2012. – 184 с.
12. Қодирқул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: 2015.
13. Лебедев С. Ковылин Ю. Философия научно-инновационной деятельности. – Москва Академический проект, 2012. – 184 с.
14. Лешкевич Т. Неопределенность в мире и мир неопределенности. – Ростов-на-Дону, 1994. – 142-154-б.
15. Мирахмедов М., Тохиров М. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Тошкент темир йўллар институти нашриёти, 2012.
16. Нечаев С. Удивительные открытия. – Москва: ЭНАС, 2012. – 206 с.
17. Никитин С. Наука в современной капиталистической экономике. – Москва: Наука, 1987. – 237 с.
18. Новиков А., Новиков Д. Методология научного исследования. Москва: Либроком, 2015. – 200 с.
19. Орлов А., Орлова Л. Современные подходы к управлению инновациями и инвестициями // Экономика XXI века. – Москва, 2002. № 12. - С. 3-26.
20. Очилов Б. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Ташкент: ТашГИВ, 2019. – 160 с.
21. Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 132 б.
22. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.
23. Судариков С. Право интеллектуальной собственности. Учебник. – Москва: Проспект, 2009. – 368 с.
24. Фонштейн Н. Основы коммерциализации результатов НИОКР и технологий. – Москва: АНХ, 1999. – 271 с.
25. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ношир, 2020.

## **11-мавзу. Тушуниш ва тушунтириш илмий фаолиятнинг мезони**

1. Илмий фаолиятни ташкил этишда мавзу моҳиятини тушунишнинг аҳамияти
2. Тушунишнинг турлари, типлари ва даражалари. Тушунишнинг икки муҳим жиҳати: цикллилик ва герменевтик доира тамойили
3. Илмий тадқиқотда матн маъносини тушуниш ва фойдаланишнинг аҳамияти. Ёзма ва оғзаки матн маъносини тушуниш илмий тадқиқотнинг муҳим шарти. Матннинг яширин маъносини тушунишнинг илмий тадқиқот учун зарурияти
4. Символ тушунчасининг моҳияти. Символларни тўғри белгилаш ва уларда маънони ифодалашнинг зарурияти. Символнинг шакллари. Семиотика – белгили тизимларни ўрганувчи фан
5. Илмий тадқиқотда семиотик белгилардан фойдаланиш малакасини шакллантиришнинг аҳамияти
6. Диалог оғзаки матнни тушуниш воситаси. Диалогнинг турлари. Илмий маъruzанинг маъносини тушунишда диалогнинг ўрни
7. Тил тушуниш воситаси. Тил амалий онг сифатида объектив билим (объект – тил) ва субъектив билим (субъект – тил)ни яхлит бир бутунга бирлаштирувчи омил
8. Фан тилининг бир-биридан фарқи ва уларни тушунишда оқилона ёндашув. Илмий тушунтиришнинг тавсифлаш билан ўзаро алоқаси. Илмий тушунтиришнинг элементлари
9. Тушунтириш ва тушунишнинг ўзаро нисбати. Тушуниш маънавий маданиятнинг моддийлаштирилган ифодаси

### **Таянч сўзлар:**

илмий фаолият, тушуниш, тушунтириш, герменевтика, цикллилик ва герменевтик доира, матн, ёзма матн, оғзаки матн, матн маъноси, тафсир, матн шарҳи, символ, семиотика, белгилар тизими, диалог, тил, фан тили, интерпретация, тавсиф, маънавий маданият, моддий маданият

### **Мунозара учун саволлар**

1. Тушуниш нима қилиш керак?
2. Тушунтириш билан тушуниш ўртасида қандай алоқадорлик бор?
3. Матн маъносини тушуниш учун нималар қилиш керак?
4. Тафсир нима?
5. Символ нима?
6. Матннинг яширин маъносини тушунишнинг илмий тадқиқот учун қандай зарурияти бор?
7. Қадимда символларга бўлган кучли эҳтиёжнинг сабаби нимада?

8. Белгиларнинг инсон ҳаётидаги ўрни қандай?

9. Илмий тадқиқотда семиотик белгилардан фойдаланиш қандай натижа беради?

10. Тил тушуниш воситаси бўлса, матнни тил билан ўзлаштириб бўладими?

11. Фан тили нима?

12. Илмий тушунтиришнинг тавсифлаш билан қандай боғлиқлиги бор?

### **ФСМУ тезислари**

(Ф) Фикрингизни баён этинг:

“Тушуниш учун эътиқод қиласман” (Ансельм Кентерберийский)

(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

(У) Фикрингизни умумлаштиринг

(Ф) Фикрингизни баён этинг:

“Эътиқод қилиш учун тушунаман” (Пьер Абелльяр)

(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

(У) Фикрингизни умумлаштиринг

(Ф) Фикрингизни баён этинг

“Билимнинг душмани: авторитетга эргашиш, урф-одатга берилиш, омманинг жоҳиллиги, дононинг нодонлиги” (Рожер Бэкон)

(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

(У) Фикрингизни умумлаштиринг

### **Ақлни чархлаш учун креатив савол**

Ўқии энг яхши билим олишидир. Ақлли инсон мутолаа қилмасдан туриб тўлақонли маълумот олиб бўлмаслигини яхши билади. Китоб ўқиган киши юксак дидли, маданиятли ва дунёқараши кенг шахс бўлиб шакланади. Ахборот асрига келиб вазият бутунлай ўзгарди. Интернет асрида ўқии иккинчи дараҷаси бўлиб қолди. Омма “тик-ток”, “вайнер”, “ютуб”, “лайк”, “стикер”, “смайлик” асрига айланди. Виртуал дунё инсоннинг ҳис-туйгулари ва ҳолатини кўринмас оламда намоён қиласади. Ҳарфларсиз, тафаккурсиз, таҳлилсиз тайёр тасвирлар жасамият, асосан, болалар ва ёшлилар онгини эгаллайди. Сизнингча, келажакда мутолаа ўрнини телефон, интернет эгаллаб, энг тезкор илм олиш объекти бўладими?

Ёпиқ матнлар барча учун тушунарли бўлса, устозга эҳтиёж қолмайди


*Олий таълимнинг визифаси иш ўринлари учун кадрлар тайёрлаш эмас, ҳаёт учун таълим беришдир. Фикрни таҳлил қилинг*

*Омади келиб ўқишига кирган, лекин ҳеч бир саволга жавоб берса олмайдиган талабанинг келажакда “зўр” мутахассис бўлиши ақлга тўғри келадими?*

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Герменевтика фалсафаси
2. Тушунишнинг турлари, типлари ва даражалари
3. Илмий тадқиқотда матн маъносини тушуниш ва фойдаланишнинг аҳамияти
4. Ёзма ва оғзаки матн маъносини тушуниш илмий тадқиқотнинг муҳим шарти
5. Тафсир илмининг илмий тадқиқотдаги ўрни ва аҳамияти
6. Мовароуннахрнинг буюк муфассирлари
7. Тафсир ва муфассирлар
8. Символлар фалсафаси
9. Семиотика – белгили тизимларни ўрганувчи фан
10. Диалог оғзаки матнни тушуниш воситаси
11. Интерпретация ва илмий тушунтиришнинг уйғунлиги
12. Тил фалсафаси

### **Сурат билан сұхбат**



## **Эссе учун мавзулар**

1. Инсоннинг ички дунёсини кашф этиш орқали коинот сирларини очиш мумкин ...
2. Бир хиллик дидни ўтмаслаштиради ...
3. Маънавият бозорда сотилмайди ...
4. Чексизлик бағрига шўнғиши ...
5. Одамларнинг ташқи кўринишига қараб баҳо бериш ...
6. Фан ва тажриба муштарак бўлса ...
7. Матннинг яширин маъносини тушуниш учун ...
8. Символлар ғоянинг энг мукаммал ифодаси ...
9. Диалог фалсафий тафаккур услуби ...
10. Фан тилининг ўзига хослиги ...
11. Тушуниш (герменевтика) фалсафаси ...
12. Фикрлар кенг бўлиши учун сўзлар қисқа бўлиши керак ...

## **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Соболева М. Философская герменевтика: понятия и позиции. – Москва: Академический проект, 2014. – 160 с.
2. Лашкевич А. Рецептивно-герменевтический подход в литературо ведении: Учебн. пособие. – Ижевск: 1994. - 130 с.
3. Гадамер Г. Истина и метод: Основы философской герменевтики / Пер. с нем.; общ. ред. И вступ. Слово. Б.Бессонова. – Москва: Прогресс, 1988. – 704 с.
4. Шлейермахер Ф. Герменевтика / Перев. с немец. Л.Вольского. – СПб: Европейский дом, 2004. – 242 с.
5. Ветров А. Семиотика и её основные проблемы. – Москва: 1968.
6. Шрейдер Ю. Семиотические основы информатики. – Москва: 1974.
7. Семиотика: Антология / Сост. Ю. Степанов; Изд. 2-е, испр. и доп. Москва: Академический Проект, 2001. – 702 с.
8. Қодиркул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: 2015.
9. Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: ТМИ, 2004.
10. Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 132 б.
11. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.
12. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ахборот технологиялари, 2014.
13. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ношир, 2020.

## **12-мавзу. Илмий тадқиқотга ахборот ва ахборот технологияларининг таъсири**

1. Ахборот, билим, маълумот тушунчаларининг таҳлили. Билимнинг информативлиги муаммоси
2. Ижтимоий ахборот ва илмий ахборотнинг ўзига хос хусусиятлари. Информатика ва информатизация. Илмий билимнинг информативлиги
3. Информатика илмий билимнинг ўзига хос соҳаси. Ахборот техникаси ва ахборот технологияси. Технология ва техникани ўзлаштиришнинг илмий тадқиқот фаолиятига ижобий таъсири
4. Электрон кутубхона ва ундан илмий тадқиқотни ташкил этишда фойдаланиш амалиёти
5. Ахборотлашган жамият концепцияси. Ахборотлашган жамиятда меҳнат мазмунинг ўзгариши. Электрон ҳукумат ва виртуал қабулхона технологияларининг амал қилиш хусусиятлари
6. Ахборот инқилоби
7. Нанотехнологиялар. Биометрик идентификация технологияси
8. Виртуал борлик технологияларидан илмий фаолиятда фойдаланиш ва унинг аҳамияти. Виртуал реаллик ва виртуал зарралар фан тараққиёти маҳсули

### **Таянч сўзлар:**

ахборот, билим, маълумот, ижтимоий ахборот, илмий ахборот, информатика, информатизация, ахборот техникаси, ахборот технологияси, электрон кутубхона, ахборотлашган жамият, электрон ҳукумат, виртуал қабулхона, ахборот инқилоби, нанотехнология, биометрик идентификация, виртуал борлик, виртуал реаллик, виртуал зарралар, фан тараққиёти

### **Креатив фикрлаш дақиқаси**

*Имтиҳондан ўтишининг ягона кафолати – билим. Фикрни таҳлил қилинг*

### **Тезкор саволлар**

1. Мазкур мутахассисликни танлашдан мақсадингиз?
2. Мутахассислик бўйича ўқиши тугатгач қандай фаолият тури билан шуғулланишни режалаштирумочисиз?
3. Мутахассисликнинг қайси илмий соҳаси ёки йўналишини ривожлантириш истагидасиз?
4. Илмий-тадқиқот олиб бориш бўйича қандай маълумотларга эгасиз?
5. Илмий-тадқиқот ишингизни қандай ташкил этмоқчисиз?

## **Мунозара учун саволлар**

1. Ахборот нима?
2. Билим билан маълумот ўртасида қандай фарқ бор?
3. Билим информативлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Бугунги кунда билимга эътибор сусайишнинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?
5. Ижтимоий ахборот нима?
6. Илмий ахборотнинг ўзига хос хусусиятлари қандай намоён бўлади?
6. Информатика ва информатизация ўртасидаги муштараклик нимада?
8. Информатиканинг келажагини қандай формулировка қиласиз?
9. Ахборот техникаси ва ахборот технологияси келажак пойдевори дейишга асос борми?
10. Электрон кутубхонанинг афзалликлари қандай?
11. Ахборотлашган жамият концепциясини қандай изоҳлайсиз?
12. Ахборотлашган жамиятда меҳнат мазмуни қандай ўзгаради?

## **Фикрни таҳлил қилинг**

*Айтган сўзининг ҳеч бирини бажармайдиган магистр учун иложи ийӯқ ишининг ўзи ийӯқ*

## **Тезкор ва қизиқарли саволлар**

1. Исталган сонни 10 га қўпайтириш учун нима қилиш керак?
2. Наманганд вилоятининг майдони қанча?
3. Консерватория сўзидан нечта бўғин бор?
4. Ҳамма нарса учун энг аввало нима керак?
5. От нимадан қўрқади?
6. Ҳар доим очик, ҳар доим ёпиқ. Сўз нима ҳақида бормоқда?
7. Нима учун деҳқонлар итларининг тирноқларини кесишиади?
8. Туя қачон боласининг ортидан эргашиб юради?
9. Форс вазири Абдулқосим Исмоил ҳамиша “У” билан бирга бўлган. Бирон ёққа сафарга жўнашига тўғри келса, “У” ҳам изидан йўлга тушган. “Уни” 400 та туяга юклаб олиб боришган. Энг қизифи, “у” дастлабки жойида қандай бўлса, туяларда ҳам шундай тартибда бўлган. “У” нима?
10. Бухорода 1127 йилда Уста Баққол томонидан бунёд этилган Шарифдаги Минораи Калон 46.5 метр баландликка эга. Минора равоқлари атрофни кузатиш, аzon айтиш, маёқ, қатл этиш каби вазифаларни бажарган. 1884 йилга келиб Минораи Калоннинг вазифалари биттага қисқарган. Бунинг сабаби нима?

11. Айтганига амал қилмаган олимни нимага ўхшатишган?
12. Бутун олам тортишиш қонуни кашф этилиши учун албатта Исаак Ньютоннинг бошига олма тушиши керакмиди?

### **Тафаккур қилинг: мушукдан қаерингиз кам?**

Сичқон тешикнинг ёнига келди. Тешикдан ташқарига чиқайми, йўқми, деб иккиланди. Ташқаридан итнинг вовуллагани эшитилди. Сичқон “Ит вовуллаётган жойда мушук бўлмайди” деган қоидага амал қилиб, ташқарига чиқди. Қараса, ит йўқ. Вовуллаётган мушук эканини билганида кеч бўлган эди. Мушук эпчиллик билан сичқонни ушлаб, иштаҳа билан еди. Қорнини силаб деди: “Бобом тўғри айтган эканлар, чиндан ҳам **чет тилини билганинг ҳаёти фаровон, қорни эса тўқ бўлади**”



### **Креатив топшириқлар**

*Муаммолар елкангиздан туртмасин, орзулар олдинга етакласин  
Хато қилиши инсонга хос хусусият, қилган хатосини бошқа бирорга  
тўнкаш эса икки карра ўзига хос хусусиятдир  
Дунёни илм-фан қутқаради  
Нанотехнологиялар инсон дунёқарашини тублан ўзгартиради*

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Ахборот, билим, маълумот тушунчаларининг таҳлили
2. Билимнинг информативлиги муаммоси
3. Ижтимоий ахборот ва илмий ахборотнинг ўзига хос хусусиятлари
4. Информатика ва информатизация
5. Илмий билимнинг информативлиги
6. Информатика илмий билимнинг ўзига хос соҳаси
7. Ахборот техникаси ва ахборот технологияси
8. Технология ва техникани ўзлаштиришнинг илмий тадқиқот фаолиятига ижобий таъсири


9. Электрон кутубхона ва ундан илмий тадқиқотни ташкил этишда фойдаланиш амалиёти

10. Ахборотлашган жамият концепцияси

11. Ахборот инқилоби

12. Нанотехнологиялар. Биометрик идентификация технологияси

### Сурат билан сұхбат



### Эссе учун мавзулар

1. Пардаланган қалб ижодкорликдан маҳрумдир ...
2. Бугун бошланмаган иш эртага тугамайды ...
3. Рақамлашган дунёда инсоннинг фаолияти ҳам ўзгаради ...
4. Келажак бугун мавжуд ...
5. Даромад ҳаёт тұхфа қылған ҳар қандай имкониятларга берган “лаббай” деган жавоблар сонига боғлиқ ...
6. Румиёна: Ким бўлсанг бўл, аммо ё ўзингни ким қилиб кўрсатсанг, ўшандай бўл, ё ким бўлсанг ўзингни ўшундай кўрсат ...
7. Ахборот билим ўрнини боса олмайди ...
8. Ахборотлашган дунё инсонни онгсизлаштиришга хизмат қиласи (ми) ...
9. Электрон кутубхонанинг афзалликлари ...

10. Ахборотлашган жамиятда меҳнат мазмуни ўзгаришининг салбий оқибатлари ...

11. Илмсизлик китобнинг қадри тушган жойдан бошланади ...

12. Ахборот инқилобининг цивилизация келажагига таъсири ...

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Арипов М. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. – Тошкент: Университет, 2021.
2. Винер Н. Кибернетика и общество. – Москва: Наука, 1991.
3. Ёқубова М. Ахборот технологияларининг фалсафий асослари – Тошкент: STAR-POLIGRAF, 2008.
4. Ёқубова М. Ижтимоий тараққиёт ва маданиятнинг ахборотлашуви // Услубий қўлланма. – Тошкент: Ношир-Нишон, 2010.
5. Исақова З.Р. Оммавий ахборот воситалари ва ёшлар // Наманган давлат университети илмий Ахбороти. 2015 йил 2-сон. Ижтимоий фанлар. – Б. 379-382.
6. Исақова З.Р. Ахборотлашувнинг фалсафий масалалари. – Наманган: 2015.
7. Комилов Н. ва бошқ. Маърифатли жамият мухолифлари. – Тошкент: Академия, 2005.
8. Криско В. Секреты психологической войны. Цели, задачи, формы, опыт. – Минск. Харвест, 1999.
9. Корогодин В., Корогодина В. Информация как основа жизни. – Дубна: Феникс, 2000.
10. Королёв Л., Власов В. Компьютеризация в науке и производстве. – Москва: Знание, 1988.
11. Кутыров В. Культура и технология: борьба миров. – Москва: Прогресс, 2001.
12. Лопатин В. Информационная безопасность России: человек, общество, государство. – Санкт-Петербург, 2000.
13. Мамфорд Л. Миѳ машины. Техника и развитие человечества. – Москва: Логос, 2001.
14. Масуда Е. Информационное общество-постиндустриальное общество. – Москва: АГРАФ, 2002.
15. Мелиқулова Б. Маданиятлар тўқнашуви. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.
16. Модернизация жараёнининг фалсафий-методологик таҳлили / М.Абдуллаева таҳрири остида. – Тошкент: Ношир. 2010.
17. Моисеев Н. Судьба цивилизации. Путь разума. – Москва: АГРАФ, 2000.
18. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.

19. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
20. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. (Ф.Мўминов, Қ.Эрназаров ва бошқ.) Дарслик. – Тошкент: 2013.
21. Пахрутдинов Ш. Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. – Тошкент: Akademiya, 2006.
22. Поликарпов Е. Информатизация общества. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2004.
23. Сайдов У. Глобаллашув ва маданиятларо мулоқот. – Тошкент: Академия, 2008.
24. Сенченко Н. Теория и практика невидимых войн. – Киев: КИТ, 2009.
25. Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. – Москва: Рольф, 2002.
26. Тоффлер Э. Шок будущего. – Москва: АСТ, 2001.
27. Фомин Ю. Человечество в XXI веке. – Москва: Синтег, 2001.
28. Хозиков В. Информационное оружие. – Санкт-Петербург: Нева, – Москва: Олма-пресс Образование, 2003.
29. Чумаков А. Глобализация и информационных процессов// Глобализация. – Москва: Наука, 2005.
30. Шермухамедова Н. Ахборотлашувнинг фалсафий асослари // Гносеология. – Тошкент: 2007.
31. Эшбеков Т. Мафкура майдонида ахборот-психологик хавфсизлик. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ЎзМУ, 2011.
32. Ярочкин В. Информационная безопасность. Учебник для студентов ВУЗов. – Москва: Академический проект фонд Мир, 2003.
33. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўплами. – Тошкент: Адолат, 2008.
34. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009.

## **13-мавзу. Рационаллик ва илмий тадқиқот мутаносиблиги**

1. Илмий рационалликнинг шаклланиш тарихи. Рационалликнинг мазмунни. Рационаллик моделлари: индуктивистик, дедуктивистик, эволюцион, тўрсимон, реалистик, парадигмал моделлар, фанни тематик таҳлил қилиш ва илмий тадқиқотга асосланувчи моделлар
2. Илмий рационалликнинг классик ва ноклассик қиёфаси. Янги рационалликнинг чексизлиги. Очик ва ёпиқ рационаллик
3. Онг структурасида рационаллик. Онг табиатини тушунтиришга оид ёндашувлар. Рационаллик ва илмий билимнинг ижтимоий-назарий асослари
4. Илмий билим қоида ва хуносаларининг рационаллиги. Илмий тадқиқот фаолиятида билимнинг рационаллашуви
5. Илмий тадқиқот фаолиятида рационаллик ва иррационаллик
6. Инсон билими ҳиссий ва рационал фаолият бирлиги маҳсули. Рационал фаолият фикр шакллари билан аниқ белгиланган андозага мувофиқ иш кўриш шакли
7. Ҳаётнинг рационаллашуvida билимнинг роли. Символлик интеракционизм концепцияси. Йўл танлашнинг рационаллиги
8. Детерминизм – муҳандислик – техникавий ёндашув доирасида қўлланиладиган назарий мавҳумлаштиришнинг пировард натижаси

### **Таянч сўзлар:**

ilm, bilik, racionallik, induktiv, deduktiv, evoliutsion, tўrsimon, realistik, paradigmal modellar, klassik racionallik, nokklassik racionallik, очик racionallik, ёпиқ racionallik, онг, ilmий bilim, biliqning racionallashaushi, racionallik va irraziyonallik, simvollik interakcionizm, determinizm

### **Мунозара учун саволлар**

1. Таслим бўлиш ҳар доим ҳам тўғри қарор бўладими?
2. Мағлубиятингизни қабул қилганда ва кечирганда ўз йўлингизда давом этиш ҳақиқий матонат. Сиз бунга тайёрмисиз?
3. Илмий рационаллик қандай шаклланган?
4. Рационалликнинг мазмунини қандай тушунасиз?
5. Рационаллик қайси моделлари илмий аҳамиятга эга?
6. Парадигмал моделларнинг илм-фан ривожидаги ўрни қандай?
7. Илмий рационалликнинг классик қиёфасини тасвур қила оласизми?
8. Илмий рационалликнинг классик ноклассик қиёфаси қандай бўлади?

9. Илмий тадқиқот фаолиятида рационаллик ва иррационаллик ўзаро мувофиқ келадими?

10. Илмий билимнинг ижтимоий-назарий асосларига нималар киради?

11. Онгнинг табиати деганда нимани тушунасиз?



12. Ҳаётнинг рационаллашувида билимнинг ўрни қандай?

### Фикрни таҳлил қилинг

*Ақлий домандирлик тамаддунни ҳаракатлантирувчи асосий кучdir. Ақлсизлик тамаддунни инқирозга иргитувчи кучdir*

*Ўз-ўзиннга хиёнат қилма, дилинг билан тилинг бир бўлсин. Бу фикрга қўшилмаганларнинг аҳамияти йўқ. Сен учун аҳамиятли бўлганлар эса фикриннга қарши бўлмайди*

### Сурат билан сұхбат



### Креатив топшириқлар ФСМУ тезислари:

(Ф) Фикрингизни баён этинг:

“Илмий дастур илмий билимнинг ривожланиши жараёнининг бирлигидир” (Лакатос)

(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

(У) Фикрингизни умумлаштиринг

(Ф) Фикрингизни баён этинг:

“Фаннинг обрўси ҳаётнинг бошқа ҳар қандай шаклидан ортиқ эмас”

(Фейерабенд)

(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

(У) Фикрингизни умумлаштиринг

(

Ф) Фикрингизни баён этинг

“Ҳар қандай ғоя, у қай даражада эски ва абсурд бўлмасин, инсон билимларини янги поғоналарга кўтаришга имкон яратади” (Фейерабенд)

(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

(У) Фикрингизни умумлаштиринг

## **Мустақил иш мавзулари**

1. Илмий рационалликнинг шаклланиш тарихи

2. Илмий рационалликнинг классик ва ноклассик қиёфаси

3. Рационаллик моделлари

4. Онг табиатини тушунтиришга оид ёндашувлар

5. Илмий тадқиқот фаолиятида рационаллик ва иррационаллик

6. Ҳаётнинг рационаллашувида билимнинг роли

7. Детерминизм тамойили

8. Инсон билимининг ўзига хос хусусиятлари

9. Символлик интеракционизм концепцияси

10. Рационалликнинг мазмуни

11. Илмий тадқиқот фаолиятида билимнинг рационаллашуви

12. Онг структурасида рационаллик: ижтимоий-фалсафий таҳлил

## **Эссе учун мавзулар**

1. Умидсиз инсон ҳар қандай имконият ортида қийинчилик кўради, некбин инсон ҳар қандай қийинчиликда имкон топади ...

2. Илмий тафаккур мақсад қуролидир ...

3. Бойлигини йўқотган – кўп нарсани йўқотади; дўстини йўқотган – ундан ҳам кўп йўқотади; журъатини йўқотган – ҳамма нарсани йўқотади ...

4. Инсон қайси манзил томон кетаётганини билмаса, шамол ҳам унга йўлдош бўла олмайди ...

5. Ҳаёт – уйғоқлиkdir, онглилиkdir ...

6. Рационаллик моделлари ...

7. Онгнинг табиати ...

8. Рационал тафаккур тарзи ...

9. Рационал фаолият ...
10. Ҳаётнинг рационаллашувида билимнинг роли ...
11. Детерминизм фалсафаси ...
12. Рационал ва иррационал билимнинг фан тараққиётидаги ўрни ...

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: ТМИ, 2004.
2. Қодиркул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: 2015.Исламджанова Х. Основы научных исследований. – Тошкент: 2009.
3. Мирзиёев Ш. Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнақига хизмат қилсин. Мамлакат илмий жамоати вакиллари билан учрашувдаги нутқ. 2016 йил 30 декабрь.
4. Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 132 б.
5. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.
6. Рузавин Г. Методология научного исследования. – Москва: Прогресс, 1999. – С. 214-215.
7. Saunders M., Lewis P., Thornhill A. (2009) Research Methods for Business Students. Fifth edition. 3. Robson C. (2011) Real World Research. Third edition. 4. Walliman N. (2011) Research methods: the basics. Taylor and Francis group. London and New York. 5.
8. Добреньков В., Осипова Н. Методология и методы научной работы. Москва: КДУ, 2012. – 230 с.
9. Новиков А., Новиков Д. Методология научного исследования. Москва: Либроком, 2015. – 200 с.
10. Баскаков А., Туленков Н. Методология научного исследования: Учебное пособие. – Киев: МАУП, 2019. – 180 с.
11. Сабитов Р. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Челяб. гос. ун-т. – Челябинск: 2020. – 160 с.
12. Магистерская диссертация: методы и организация исследований, оформление и защита: учебное пособие / коллектив авторов ; под ред. В.И. Беляева. 2-е изд., перераб. – Москва: КНОРУС, 2020. – 210 с.
13. Очилов Б. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Ташкент: ТашГИВ, 2019. – 160 с.
14. Болдин, А., Максимов М. Основы научных исследований. – Москва: Издательский центр Академия, 2019. – 336 с.
15. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.
16. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.

## **14-мавзу. Олимнинг профессионаллашуви ва ижтимоий масъулияти**

1. Илмий тадқиқотда эркинлик ва ижтимоий назорат. Илмий ҳамжамиятда фаннинг эркинлиги тамойили. Мавзуни танлаш эркинлиги ва унинг ижтимоий назорати
2. Илмий фаолиятни ижтимоий назорат қилиш воситалари: эксперталар кенгаши, коллегиал ташкилотлар, маслаҳат кенгашлари. (Илмий лойиҳалар мазмунига баҳо берувчи эксперт кенгашлари). Олий аттестация комиссияси олим илмий фаолиятига баҳо берувчи ташкилот
3. Нейтрализм ва ижтимоий масъулият. Фандаги нейтрализм – дин, ахлоқ, сиёсатга аралашмасликнинг ифодаси. Нейтрализмнинг икки асосий тенденцияси
4. Ижтимоий масъулият тушунчаси ва унинг зарурияти
5. Олимлар жамоасининг таснифи: супер интеллектуал элита, интеллектуал элита, илм аҳли тушунчаларини бир-биридан фарқловчи асосий белгилар
6. Ўзбекистоннинг интеллектуал элитаси ва уларга ишлаш учун яратилган шароитлар. Ўзбекистонда илмий лабораторияларни ривожлантиришнинг аҳамияти ва зарурияти. Элитар таълим ва элитар педагогика
7. Олимларнинг учрашувлари ва мулоқотини ташкил этиш, фикр алмашиш воситаларининг таснифи: конгресс, форум, симпозиум, конференция, семинарларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари
8. Ҳозирги замон олимининг портрети. Консенсуснинг шакллари ва даражалари. Фанда халқаро жамоатчилик билан ишлашнинг аҳамияти
9. Маҳорат дарсларини ташкил этишининг афзалликлари. (Барча соҳадаги илмий ҳамкорликнинг таҳлили)

### **Таянч сўзлар:**

илм, олим, тадқиқот, эркинлик, ижтимоий назорат, илмий ҳамжамият, мавзу танлаш, эксперталар кенгаши, коллегиал ташкилотлар, маслаҳат кенгашлари, ОАҚ, нейтрализм, ижтимоий масъулият, супер интеллектуал элита, интеллектуал элита, илм аҳли, илмий лаборатория, элитар таълим, элитар педагогика, конгресс, форум, симпозиум, конференция, семинар, учрашув, олим портрети, консенсус, компромисс, маҳорат дарслари

### **Мунозара учун саволлар**

1. Эркинлик нима?
2. Илмий тадқиқотда эркинлик қандай аҳамиятга эга?
3. Мавзуни эркин танлаш ихтиёрини ким белгилайди?
4. Эксперталар кенгаши қандай вазифани бажаради?

5. Нейтрализм нима?
6. Олимнинг ижтимоий масъулияти деганда нимани тушунасиз?
7. Фандаги нейтрализм оқибатлари нималарга олиб келади?
8. Супер интеллектуал элитага кимлар киради?
9. Интеллектуал элитанинг қандай вазифаси бор?
10. Ўзбекистоннинг интеллектуал элитаси ҳақида нималарни биласиз?
11. Қайси машҳур олим билан учрашишни хоҳлайсиз?
12. Маҳорат дарсининг ўзига хос жиҳатлари нимада?

### **Фикрни таҳлил қилинг**

*Ҳеч қачон бошқаларнинг чекланган тасаввуринга мослашиб, ўзингизни тасаввурлардан чекламанг. Ҳеч қачон ўзингизнинг чекланган тасаввурингиз билан бошқаларни тасаввурини чекламанг*

*Юксалишини истасангиз бошқаларни кўтаринг*

*1000 доллар пулни “қора кун” учун асраш керакми ёки илм олишига сарфлашми, ёки сармоя учун тикишими, умуман, нимага сарфлаш ҳар кимнинг иши. Натижса 100000000 бўлиши учун энг тўғри йўл ...*

### **Тезкор, ақлни чархлайдиган саволлар**

1. Асалдан ширин, заҳардан аччиқ нима бўлиши мумкин?
2. Инсон танасида шундай аъзо борки, унинг ундан тўққиз қисми сувдан иборат. Бор йўғи бир қисми тўқима ва ҳужайралардан иборат. Инсон танасидаги бу серсув аъзо нима?
3. Йўлда икки йўловчи бир сандиққа дуч келди. Бири “бу ерга сандиқ қаердан келиб қолди экан” деб, иккинчиси эса “сандиқнинг ичидаги нима бор экан” деб ўйладяпти. Йўловчилар кимлар?
4. Инглизлар футболни жон-дилдан севишади. Уларнинг фикрича, футболдаги энг чиройли нарса нима?
5. Намангандар давлат университети қачон қайта ташкил этилган?
6. Қилич ва найза билан ҳосил бўлмаган ишларни ... нима билан қўлга киритса бўлади?
7. Эртапишар, тўрлама, эти ва уруғи қизғиши ва хушбўй қовун нави нима?
8. Дунёда энг чаққон нима?
9. Дунёда шундай ўсимлик тури борки, уни қирқ йил қуритиб, осиб кўйилса ва яна қайта экилса, кўкариб кетади. Бу қандай ўсимлик?
10. Шоирлар йилнинг бешинчи фаслини нима деб атайдилар?
11. Китоб ўқиши одамни билағон қиласи. Суҳбат топқир қиласи. Ёзиг олиш нимага ўргатади.
12. Қайси китоб “сигир”дан бошланиб, “инсон” билан тамом бўлади?

## “Бахс” методи

*Инсонлар ҳар доим айбни вазиятга түнкайдилар. Мен вазият кучига ишонмайман. Бу дунёда мұваффақиятга эришишининг шартлари бор, яъни ким ўзига керак шарт-шароитни қидирса топади. Ва агар имконият топа олмаса, ўзи яратади. Фикрни таҳлил қилинг*

### Сурат билан сұхбат



## Қизикарлы үйинлар “Чархпалак” (Бумеранг) методи

Чархпалак методи гурух бўлиб бажарилса, қизикарли бўлади. Беш нафар магистрант алоҳида столларга ўтиради. Ҳар бир магистрантга саволлар ёзилган ватман қофози ва беш хил фламастер ёки маркер берилади. Саволлар айланиб, ҳар бир магистрнинг қўлидан ўтади, жавоблар тўлдирилади ва савол ўзининг биринчи эгасига келгач үйин тўхтатилади. Сўнг жавоблар йиғиб олингач, доскага ёпиштирилади. Саволлар жамоада муҳокама қилинади. Ҳар бир магистр ўзи ёзган жавобларни тушунириб беради. Жавоблар ўқитувчи раҳбарлигига таҳлил қилинади. Энг асосли жавоб берган магистр “ғолиб” деб эълон қилинади.

**Ўқув топшириқ:**

1-савол: Интеллектуал элитанинг жамиятни ривожлантиришдаги ўрнини асослай оласизми?

2-савол: “Консенсус” ва “компромисс” ҳақидаги тамойилларнинг қайси бирларини ҳозирги замон фани натижалари асосли эканлигини тасдиқлайди?

3-савол: Ҳозирги замон олимининг портретини қандай таърифлайсиз?

## **Креатив топшириқлар**

*Шунчаки билишининг ўзи етарли эмас, билимларни амалиётда қўллаш керак. Шунчаки исташ етарли эмас, илдам ҳаракат қилиш керак. Фикрни янги фикрлар билан тўлдиринг.*

## **Мустақил иш мавзулари**

1. Илмий тадқиқотда эркинлик масаласи
2. Эркинлик тушунчасининг ижтимоий-фалсафий таҳлили
3. Экспертлар кенгашининг вазифалари
4. Илмий лойиҳаларни баҳолашнинг ижтимоий-фалсафий аспектлари
5. Илмий ҳамжамиятда фаннинг эркинлиги тамойили
6. Олий аттестация комиссияси олимнинг илмий фаолиятига баҳо берувчи ташкилот
7. Фандаги нейтрализм дин, ахлоқ, сиёсатга аралашмаслик ифодаси
8. Нейтрализмнинг тенденциялари
9. Ижтимоий масъулият тушунчаси ва унинг зарурияти
10. Интеллектуал элита тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти
11. Нейтрализм ва ижтимоий масъулият
12. Ҳозирги замон олимининг портрети

## **Эссе учун мавзулар**

1. Инсон тафаккур қилишга маҳкум жонзот ...
2. Муваффақият бошқалар таслим бўлганда қўрсатган қатъият самараси ...
3. Муқаммал билгиш чегарасидан ташқарида бўлган бирон нарсани амалга оширишга уринган инсон ривожланади ...
4. Муваффақият йўлидаги энг катта тўсиқ муваффақиятсизлик олдидаги қўрқувдир ...
5. Китоб ўқишдан биринчи мақсад – ўзликни англаш, шахс сифатида шаклланиш ...

6. Меҳнатсиз муваффақиятга интилиш уруғ экмаган ердан ҳосил олишни исташ билан баробар ...
7. Мен танлаган мавзу ...
8. Илмийликнинг стандартлари ...
9. Олимнинг илмий фаолияти ёзган асарларида намоён бўлади ...
10. Фандаги нейтрализм оқибати ...
11. Интеллектуал элитанинг ўзига хос хусусиятлари ...
12. Устоз-шогирд тизими керак, тажрибалар ворисийлик қонуниятига бўйсунади ...

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Баскаков А., Туленков Н. Методология научного исследования: Учебное пособие. – Киев: МАУП, 2019. – 180 с.
2. Болдин, А., Максимов М. Основы научных исследований. – Москва: Издательский центр Академия, 2019. – 336 с.
3. Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: ТМИ, 2004.
4. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.
5. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.
6. Қодирқул Рўзматзода. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: Наврўз, 2015.
7. Мирзиеёв Ш. Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнақига хизмат қилсин. Мамлакатимиз илмий жамоатининг вакиллари билан учрашувдаги нутқ. 2016 йил 30 декабрь.
8. Мирзиеёв Ш. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43- сессиясининг очилиш маросимидағи нутқ. 2016 йил 18 октябрь.
9. Новиков А., Новиков Д. Методология научного исследования. Москва: Либроком, 2015. – 200 с.
10. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3775-сонли Қарор. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 5 июнь.
11. Саифназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 132 б.
12. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.
13. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ношир, 2020.

## **15-мавзу. Илмий тадқиқотда ижтимоий этика**

1. Илмий фаолиятдаги ахлоқийлик мезонлари
2. Илмий тадқиқот натижаларининг умумийлиги ва очиқлиги
3. Юқори танқидийлик ва ижодий танқидийлик оқибатлари
4. Фан ва илмий фаолиятда коррупция
5. Фанда кадрлар коррупцияси ва унинг оқибатлари
6. Фанда ғоявий коррупциянинг амал қилиш механизmlари
7. Диссертацияларнинг ҳимоясини ташкил этишдаги лоббизм ва фаворитизм
8. Плагиат ва коррупциянинг ўзаро алоқадорлиги
9. Ҳозирги даврда фан ва таълим соҳасидаги коррупцияга қарши курашнинг усул ва воситалари

### **Таянч сўзлар:**

фан, илмий фаолият, ахлоқ, мезон, илмий тадқиқот натижалари, юқори танқидийлик ва ижодий танқидийлик, коррупция, кадрлар коррупцияси, ғоявий коррупция, диссертация ҳимояси, лоббизм, фаворитизм, плагиат, антиплагиат, коррупцияга қарши кураш

### **Мунозара учун саволлар**

1. Жамиятнинг ахлоқийлашуви қандай омилларга боғлиқ?
2. Телевидение ахлоқ параметри бўла оладими?
3. Илмий тадқиқот натижаси қандай олинади?
4. Коррупциянинг фанга салбий таъсири қандай?
5. Танқид коррупцияни тезлаштириши мумкинми?
6. Юксак малакали мутахассислар тайёрлаш учун нима қилиш керак?
7. Принципнинг баҳоси қанча?
8. Билим ва тажриба ўрнини нима билан қопланади?
9. Олимлик маҳорати нимада?
10. Илмий асар яратиш учун қандай кўникма ва малакага эга бўлиш керак?
11. Лоббизм нима?
12. Фаворитизм нима?

### **“Қаранг - фикрланг – ўйланинг” усули**

Магистрларнинг қизиқувчанлик ва кузатувчанлик қобилияtlарини табиий шароитда ривожлантиришнинг энг осон ва қулай йўли. Магистр қаерда бўлмасин, уйдами, транспортдами, кундалик юмушларни

бажаришдами, саёхатдами, меҳмонга боргандами, фотосуратларни томоша қилгандами, ҳамма жойда онгида “илмий мұхит” яратиши мүмкін. Бунинг учун фикран “Қаранг - фикрланғ - үйланинғ” қоидасини ишга тушариш кифоя.

Илмий фаолият муваффақиятли бўлиши учун магистр танқидий фикрлаш, мулоқотга киришувчанлик, мослашувчанлик, қизиқувчанлик, масъулиятлилик, стрессга чидамлилик каби қобилиятларга эга бўлиши керак. Буни Тўрт „К“ қоидаси асосида синаб кўринг

### Тўрт “К” қоидаси:

- коммуникация (мулоқот)
- коллаборация (ҳамкорлик)
- критик (танқидий) тафаккур
- креативлик (ижодкорлик)

### Сурат билан сұхбат



### Муаммоли вазият

Фан, одатда, ташқи сабаб ва эҳтиёжлар туфайли ривожланиб, инсонни дунёни яхшироқ билишига ундаиди. Фан инсон учун ишлаб чиқаради, бунёд қиласи, инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун қулайликлар, истеъмол моллари яратади. Фандан фарқли эзотеризм инсоннинг ички, маънавий-руҳий асосларини англашга йўналтиради, бироқ эзотерика ҳеч қачон тўғридан-тўғри истеъмол маҳсулотлари яратмайди. Шундай бўлса ҳам, асрлар оша инсон англаган ва англамаган ҳолда эзотеризмга қизиқишини тўхтатмаган. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Муаммо шуки, эзотеризм инсоннинг дунёвий ҳаётини фаровон қилишига бевосита ҳисса қўшимас экан, нима учун инсон уни ўрганишига эътибор қаратаверади?

### Мустақил иш мавзулари

1. Илмий фаолият ҳақида умумий тушунча

2. Илмий фаолиятдаги ахлоқийлик мезонлари
3. Илмий тадқиқот ишларини ташкил этишининг назарий- методологик жиҳатлари
4. Илмий тадқиқот натижаларининг умумийлиги ва очиқлиги
5. Юқори танқидийлик ва ижодий танқидийлик оқибатлари
6. Коррупциянинг келиб чиқиши
7. Фанда кадрлар коррупцияси ва унинг оқибатлари
8. Коррупцияга қарши кураш механизмлари
9. Ғоявий коррупциянинг ижтимоий-фалсафий таҳлили
10. Плагиат ва коррупциянинг ўзаро алоқадорлиги
11. Фан ва таълим соҳасидаги коррупцияга қарши курашнинг усул ва воситалари
12. Глобаллашув зиддиятлари

### **Эссе учун мавзулар**

1. Чексизлик бетакрорлик ва янгилик манбаидир ...
2. Тарихни шахслар яратади ...
3. Ҳамма замонларда катта авлод ёшлар айниб бораяпти дейишган ...
4. Олимнинг ахлоқи ...
5. Олимнинг ахлоқий танлови ...
6. Илмий фаолиятдаги ахлоқийлик мезонлари ...
7. Коррупция нинг пайдо бўлиш сабаблари ...
8. Илмий фаолиятдаги коррупция тараққиёт кушандаси ...
9. Илмдаги шаффофлик ...
10. Танқид келажак меваси ...
11. Илмий-тадқиқот ишларидаги кўчирмачилик оқибати ...
12. Кадрлар коррупциясига барҳам бериш учун ...

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али Мұхаммад Термизий. Маърифат ул-асрор (Сирлар маърифати) / Тарж.Абдулҳамид Мұхаммад Турсун. Масъул мұх. Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Мовароуннахр, 2018.
2. Абу Али ибн Сино. Фалсафий қиссалар. – Тошкент, 1963.
3. Абу Али ибн Сина. Даниш-намэ / Абу Али ибн Сина. Избранные произведения. Т. I. – Душанбе: Ирфон, 1980.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри / Масъул мұхаррир М.Хайруллаев. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
5. Арасту. Ахлоқи кабир. Поэтика. – Тошкент: Маънавият, 2005.
6. Ақл энциклопедияси / Тўпловчи ва таржимонлар Ҳ.Абдуллаев, И.Сулаймонов. – Тошкент: Давр пресс нашриёт матбаа уйи, 2013.

7. Ганжин В. Нравственность и наука. – Москва, 1978.
8. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ахлоқийлик мезонлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 80 б.
9. Исақова З.Р. Илмий тадқиқотдаги ворисийлик ва новаторлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2022. – 72 б.
10. Исҳоқова З. Комиллик калити. Монография. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016.
11. Комил инсон ҳақида тўрт рисола / Форс-тожик тилидан Н.Комилов тарж. – Тошкент: Маънавият, 1997.
12. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
13. Конфуций. Панд-ўгитлар. Рус тилидан А.Аҳмад таржимаси // Соглом авлод учун. – Тошкент: 1997. № 5.
14. Рўзматзода Қ. Илмий ижод фалсафаси ва методологияси. – Тошкент: Наврўз, 2015.
15. Сахаров А. Ответственность ученых // Собрание сочинений. VIII том. – Москва: Наука, 2014.
16. Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.
17. Рузавин Г.И. Методология научного исследования. – Москва: Прогресс, 1999. – С. 214-215.
18. Тўраев Б. Фан этикаси. Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази. 2020 йил 6 август. <https://www.bukhari.uz/?p=11373>
19. Фролов И., Юдин Б.Г. Этика науки: проблемы и дискусси. Москва, 1986.
20. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: Ношир, 2020.
21. Этико-правовые аспекты проекта геном человека: Международные документы и аналитические материалы. – Москва: 1998.
22. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998.
23. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Юсуф сураси, 76-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004.
24. Ҳикматлар шодаси / Тўпловчи ва таржимонлар А.Раймов, Н.Раймова; мухаррир А.Зиядов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
25. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи сultonий ёхуд жавонмардлик тариқати / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.

## **Хулоса ўрнида**

### **Магистратура – илмий-тадқиқотга йўналтирилган таълим тури**

Магистратура йўналишида дарс беришнинг ўзгача гашти бор. Бугунги магистрлар эртанги устозлар, касбдошлар. Бу фикрим, кўпинча, атрофдагиларга хуш келмайди. Бунинг ўзига яраша сабаби бор, албатта.

Ҳар доим илк маъруза “Фанга кириш”дан бошланади. Магистрлар билан жонли мулоқотга киришиш жараёнида улардан “Нима учун магистратурада ўқиши танладингиз?” деган савол билан мурожаат қиласман. Магистрлар бироз хадик, бироз дадиллик, бироз виқор билан саволга жавоб беришади. Саволлар тўтиқушнинг “сўз халтаси”дан олинган, яъни “илмий-тадқиқот ишини давом эттириш ниятидаман”.

Магистрларга иккинчи, анъянавий саволни бераман: “Охирги ўқиган китобингизнинг номи ва муаллифини айта оласизми?”

Аксарият магистрлар вақти йўқлигини айтиб “йўқ” деган жавоб беришади. Биринчи саволнинг пучлиги иккинчи саволда ўз-ўзидан аёнлашади. Фиркимизча, магистратура ҳақидаги нотўғри тушунчадан воз кечиш вақти келди. Лекин айрим нолойиқ кимсаларнинг “юқори лавозимларда ишлаш учун магистратурада ўқиш лозим” деган нотўғри қарашлари ҳали ҳам ўз кучида қолмоқда.

Ўкув-услубий қўлланма билан танқидий нуқтаи назардан танишиб чиққан зукко магистрларимдан бирининг “Устоз, талаба “магистратура – илм” эканлигини тушуниб етмагунча, қўлланмага тиши ўтмайди” деган сўзлари фикримизни тасдиқлади.

Бугунги кунда меҳнат бозорининг тактикаси бутунлай тескарига айланмоқда. Дипломи бор, лекин мутахассисликка лаёқати йўқ битирувчиларга талаб йўқ, ҳисоби. Магистратурани тамомламаган, лекин мактаб, лицей, коллежда тажриба орттирган, ўз фанини яхши биладиган, иқтидорли, фан олимпиадаларида ҳар йили ғолибликни қўлга киритиб, жамоасининг хурматини қозонган ҳақиқий иқтидор эгаларига “Келинг, магистратурада ўқинг” десангиз “Нима кераги бор” деб қўл силтайди.

Бунинг сир-синоати нимада экан деб қизиққанимизда давр тақозоси билан “диплом”ли билмасвойдан кўра “диплом”сиз билимдонларга эҳтиёж катталиги ошкор бўлди. Бундан келиб чиқадики, аксарият ёшларда илмий тадқиқот иши олиб бориш лаёқати бўлмаса ҳам, келажакда “карьера қилиш, юқори мансабларга кўтарилиш учун магистратура керак” деган фикр билан магистратурага ўқишига киради.

Бугунги кунда магистратуранинг даражаси тушиб кетишининг сабаби “лавозимга осонгина эришса бўлади” деган ўй-фикрдаги талабаларнинг кўпайиб кетганида. Улар англаши шарт бўлган ҳақиқат шуки, магистратура карьера қилиш учун эмас, илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб бориш учун мўлжалланган таълим туридир.

Бугунги магистрлар бўлажак олимлардир. Ўзбекистонда фан тараққиёти учун моддий-техник, илмий-интеллектуал ресурсларнинг барчаси сафарбар этилган. Ҳозирда олиб борилаётган тадқиқотлар, илмий кашфиётлар, уларни амалиётта татбиқ этиш даражаси жуда паст. Тўғри, илмий тадқиқот ишлари сон-саноқсиз, “пичоқ”қа илинадигани саноқли.

Бизнингча, илмий тадқиқот ишларидаги муаммоларнинг етарли сабаблари мавжуд.

Биринчи сабаб, назария ва амалиёт ўртасидаги катта жарлик, илмий саводхонлик даражасининг пастлиги, соҳага доир адабиётлар танқислиги билан боғлиқ. Назарияга ёпишиб олган билан олинган янгиликлар амалиётда қўлланмаса, илмий янгиликнинг аҳамияти “нол”га teng бўлади.

Иккинчи сабаб, тамаддуннинг асосий мезони вақт ва юксалган технологияларга “муқобил” келишдир. Ёш тадқиқотчиларнинг жўшқинлигини устозларнинг кўп йиллик илмий тажрибалари билан уйғунлаштириш. Ҳозирда илмий изланувчиларнинг умумий ўртача ёши 50 ёшни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткични 30-35 ёшга қисқартириш, илмий тадқиқот учун янги истиқболли йўналишлар, жумладан, биотехнологиялар, рақамли технологиялар, нанотехнологиялар, сунъий интеллект, водород энергетикаси, геномика, космология, криминалистика каби соҳаларига йўналтириш мақсадга мувофик.

Учинчи сабаб, кутубхона ва тажриба лабораториялари илмий тадқиқотнинг таянч нуқтасидир.

Тўртинчи сабаб, магистратура ва докторантурага ўқишига кириш жараёнидаги соҳтакорлик ва коррупция туфайли тизимга илмий салоҳияти йўқ, билими паст, қобилиятсиз шахсларнинг қабул қилиниши билан боғлиқдир. Фикримизча, магистратура ва докторантурага қабул имтиҳонлари икки усул: ҳам сухбат (офзаки), ҳам иншо (ёзма) шаклида ўтказилса, талабгорнинг илмга лаёқати, салоҳияти, иқтидори очиқланади.

Бешинчи сабаб, тадқиқотчи қўшимча илмий адабиётлар билан мустақил ишлаши, фанда ўрганган тушунчаларини амалиётга татбиқ қилиши, танқидий фикрлаши, профессор-ўқитувчиларнинг бевосита илмий раҳбарлигига ўз устида ишлаши ва илмий тадқиқотлар олиб бориш малакасини шакллантириши, илмий мақолалар ёзиш кўнижмасига эга бўлиши лозим бўлгани ҳолда, илмий ишлар “хўжакўрсин”га бажарилиб, оммавий қўчирмакашликка йўл қўйилмоқда. Айрим битирув малакавий ишлари магистрнинг изланиши, саъй-ҳаракати ва меҳнати маҳсули эмас. Илмий раҳбарлар ва маслаҳатчилар шогирдларининг диссертация, илмий ғоя ва лойиҳаларининг ишончлилиги, ҳаққонийлиги, қўчирмачилик (плагиат)ка йўл қўйилмаслиги, белгиланган мезонлар асосида шакллантирилишига масъул бўлса, ҳар бир тадқиқотчи маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги, тадқиқотда белгиланган вазифаларнинг тўла-тўқис бажарилишига интилса, “суррогат диссертант”лар, “суррогат олим”ларнинг илмни тижоратга айлантиришига чек қўйилади.

Олтинчи сабаб, тизимда инновацион вазиятни вужудга келтириш учун ҳар қандай етакчи ташкилотнинг олий таълим муассасалари фаолиятига аралашувини қонун билан таъқиқлаш, қераксиз ҳисботу жадвалларни талаб қилишни чеклаш, ҳар бир олий ўқув юрти қоғоз тўлдиришга эмас, таълим сифатига эътибор қаратиши лозим.

Еттинчи сабаб, ислоҳотлар самарадорлиги, мамлакат фаровонлиги, юрт истиқболи, олий таълим сифатини ошириш, ривожланган мамлакатлар таълим тизимидағи илғор технологиялардан унумли фойдаланиш учун ўқув дастурларида мутахассислик фанлари, танлов фанларига кўпроқ вақт ажратиш, баҳолаш тизимини такомиллаштириш ва шаффоғлигини таъминлаш, таълимни расмиятчилик ва қоғозбозликдан халос қилиш орқали мақсад англашилади.

Ўзбекистон олий таълим тизимида фанларни модул тизимида қисқа вақт ичидаги ўзлаштирилиши, ахборотнинг кўплиги, вақт етишмаслиги, дангасалик, масъулиятсизлик, соҳага адашиб кириб қолишлиқ, ўқитувчи меҳнатининг қадрсизлиги, ўқитувчи ойлик маошининг озлиги, танишибилишчилик каби кўплаб сабаб ва баҳоналар коррупцияни келтириб чиқаради. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Коррупция таълим сифати ва самарадорлигига салбий таъсир этади. Коррупцияни юзага келтираётган омилларни аниқлаш ва бартараф этишга тизимли ёндашув керак, яъни бир “порахўр”ни иккинчисига алмаштириш билан вазият ўзгармайди.

Илм-фанни инновацион ривожлантириш, тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, иқтидорли талабалар илмий фаолияти натижадорлигини ошириш, уларнинг илмий изланишлар олиб боришилари учун зарур шароит яратиш, таълим жараёнига новаторликни жорий этиш, ўқув дастурларининг ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанглигини таъминлаш, ўқув дастуридан такрор фанлар (мактаб+лицей+коллеж+олий таълим)ни олиб ташлаш, ўрнига мутахассислик фанлари, танлов фанлари, бошқарув асослари, мулоқот педагогикаси, нутқ маҳорати, ижтимоий прогноз, иқтисодий таҳлил каби фанларни киритиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малакасини оширишни тизимли ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Таълимнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш билан алоқадорлигини таъминлаш, иқтисодий самарадорликка эришиш бугуннинг долзарб вазифасидирки, амалий натижалар бермаган илмнинг, илмий даражанинг, муқоваси қалин китоблару дипломи бор, лаёқати йўқ мутахассисларнинг жамият равнақига ҳеч қандай нафи йўқ.

Хуллас, тафаккурни трансформациялаш, янгиланган интеллектуал фаолиятга ўтиш орқали таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самара беради. Инсон бу дунёдан охиратга сафар қилас экан, ҳеч нарсани олиб кета олмайди. Шундай экан, олимнинг бу дунёга мерос қолдирган билимлари келажак авлодларнинг интеллектуал камолоти учун хизмат қиласди.

**ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА**

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ  
ФАНИДАН  
СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ УЧУН**

**ҮҚУВ-УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА**

## **Муаллиф ҳақида**

Исақова Замирахон Рұхитдиновна 1970 йил 14 январда Наманган вилояти Тўракўрғон туманида зиёли оиласида туғилган. 1987 йилда Тўракўрғон туманидаги 4-умумтаълим мактабини “олтин” медаль билан тутатган.

1987-1992 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг фалсафа-иктисод факультети Фалсафа бўлимини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Мутахассислиги бўйича файласуф, фалсафа ўқитувчisi.

2007 йил 11 декабрда “Тасаввуф таълимотида вадийлик тушунчасининг диний-фалсафий таҳлили” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

2010 йил 25 майда доцент илмий унвонини олган.

2022 йил 21 майда Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашда “Ирфон ва унинг Шарқ фалсафий тафаккури ривожидаги ўрни” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Илмий фаолияти доирасида жами 425 та, жумладан, 10 та монография, 22 та рисола, 25 та хориж журналларида, 12 та импакт факторли журналларда, 38 та ОАК рўйхатидаги илмий журналларда, 121 та маҳаллий журналлар ва тўпламларда, 42 та хориж илмий конференцияларда, 130 та республика конференцияларида илмий тезис ва мақолалар, 25 та ўқув-услубий қўлланма ва қўрсатмалар нашр эттирган.

Ҳозирда Наманган давлат университетининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори в.б. лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Ҳаётдаги шиори:

*Нарса йўқум, хорижси олам эрур,  
Хар не истарсан, ўзингдан истагил.*

**Наманган  
2023**